O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 6 февраль, №27 (3301) Жума

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида

*Маҳсулотларни сотишнинг бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий этиш, марказлаштирилган тақсимлаш тизимини тугатиш, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника ресурслари олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш, бозор нархлари шакллантирилиши механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси* ***ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Қуйидагилар:

республика истеъмолчилари ўртасида лимитларни тақсимлаш тўлиқ тугатиладиган маҳсулотлар турлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

махсус белгиланадиган тартиб бўйича сотиладиган моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ;

Маҳсулотларни сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Пахта толасини бозор талабларидан келиб чиқиб сотиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг "Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида" 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарори билан белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

1 ва 2-иловаларга мувофиқ рўйхат бўйича маҳсулотларни биржа ва кимошди савдоларига қўйиш белгиланган тартибда тасдиқланадиган тегишли моддий балансларда ушбу мақсадлар учун назарда тутилган ҳажмларга мувофиқ йил давомида тенг равишда амалга оширилади;

биржалар 1 ва 2-иловаларга мувофиқ сотилган маҳсулотларнинг ўртача биржа нархи котировкаларини, кимошди савдоларида шаклланган нархларни эса — савдо якунларига кўра ҳар ҳафтада очиқ матбуотда ва Интернет тармоқларидаги ўз саҳифаларида эълон қилишлари шарт;

монополист корхоналарнинг 1 ва 2-иловаларга киритилган маҳсулотлари ички бозорда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича охирги санада эълон қилинган биржа (кимошди савдолари) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича сотилиши мумкин;

монополист корхоналар томонидан монопол маҳсулотлар биржа савдолари ва кимошди савдолари орқали, шунингдек биржа (кимошди савдолари) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилган тақдирда эълон қилинган чекланган нархни ошириб юборганликлари учун уларга монополияга қарши қонун ҳужжатларида назарда тутилган жазолар қўлланилмайди.

Биржа савдоларида (кимошди савдоларида) ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиб олинган 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маҳсулотларга (электр энергияси ва табиий газ бундан мустасно) шартномалар ҳақини олдиндан тўлиқ тўлаш ёки товарларнинг етказиб бериладиган ҳар бир туркуми учун чақириб олинмайдиган аккредитив қўйиш шартларида тузилади.

3. 2004 йил 1 апрелдан бошлаб қуйидагича тартиб жорий этилсин, унга кўра:

табиий газ истеъмолчилари (аҳоли, бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ва 5-иловага мувофиқ корхоналардан ташқари) тузилган шартномаларга мувофиқ берилган табиий газ ҳақини тўлиқ тўлаган ҳолда, навбатдаги календарь ой бошлангунга қадар шартномаларда назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камида 30 фоизи учун аванс тариқасида ҳақ тўлайдилар;

бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ва 5-иловага мувофиқ корхоналар тузилган шартномаларга мувофиқ олинган ресурслар ҳақини тўлиқ тўлаган ҳолда, навбатдаги календарь ой бошлангунга қадар шартномаларда назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камида 15 фоизи учун аванс тариқасида ҳақ тўлайдилар;

(Давоми 2-бетда).



## Комилжондай шерлари бор бу юртнинг

*Техника — деҳқон қаноти. Бу анчайин эски гап. Аммо эскирмаган гап. Фотомухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқуловнинг шоҳидлик беришича, Учқўрғон туманидаги «Қўчқор ота» ширкат хўжалиги ўтган йили ана шу техникалар шарофати туфайлигина муваффақиятли якунлади. Бу йил ҳам 225 гектар майдондаги буғдой майсалари меҳр билан парваришланмоқда. Негаки, жорий йилда ниятлари янада улуғ: бошоқли дон ҳосилдорлигини 65, пахтани эса 40 центнерга етказиш!*

*— Бу марра, албатта, эгалланади, — дейди хўжаликнинг моҳир механизатори Комилжон МУТАЛОВ (суратда). — Негаки, ҳозирданоқ барча техникаларимиз экиш мавсумига тахт қилиб қўйилган. Насиб қилса, менинг ўзим 80 гектар майдонга чигит қадашни мўлжаллаяпман.*

*Комилжондай техника ихлосмандлари бўлган учқўрғонликларнинг ниятлари ушалгай, армонлари қолмагай, иншооллоҳ.*

*9 февраль — Алишер Навоий туғилган кун*

## Умидим шулки, умидингга етгил



Жамият ҳаётининг эзгулик йўлидан изчил давом этмоғини таъминлаш, кишиларни хайр ва яхшиликка тинмай ундамоқ Навоий ижодиётининг туб моҳиятини ташкил этади. Навоий шундай шоир ва мутафаккир эдики, унинг ҳар бир асарида, хоҳ бир-икки мисрадан иборат кичик шеърлари бўлсин, хоҳ катта достонлар ва насрий асарлари бўлсин, ҳаммасида халқ, инсонни улуғлаш ғоялари бош ўринни эгаллайди. Навоийнинг беш достондан иборат «Хамса» китоби бунинг ёрқин мисолидир. «Хамса»нинг тўртинчи достони — «Сабъаи сайёр» («Етти саёҳатчи»). Унда етти шеърий ҳикоя бор. Шулардан бирининг қисқача мазмуни билан танишиб чиқамиз. Бу ҳикоя эртаклардаги сингари муқаддима билан бошланади.

***Бори йўқ чун дуони, билди деди***
***Деди: бир бор эдию бир йўқ эди.***

Ҳинд мулкида Жасратхон деган бир подшоҳ бўлган. Унинг Фарруҳ номли ўғли бор эди. Шаҳзода тушида ўзга юртли бир гўзал жононни кўриб, унга кўнгил берди. Шу маҳбубани топмоқ учун отасидан рухсат олиб, йўлга чиқди. У Халаб юртига келди. Бу ерда бир маҳмилда (туяга ўрнатилган кажава) ўша жононни учратди. Йигит қаттиқ ҳаяжонланганидан ҳушини йўқотди. Ўзига келганида маҳмил ўтиб кетган эди.

Фарруҳ ўз одамларини юртига қайтариб жўнатди. Ўзи эса устига бир қора палос ёпинган ҳолда қаландарона ҳаёт кечира бошлади.

***Ғурбат ичра юрур эди бекас***
***Кишиси дарди ишқ эрдию бас.***

Халабда Ахий номли бадавлат, саховатпеша бир одам бор эди. У ўз уйида ғариб мусофирларга жой берар, уларга лутфу мурувват қилиб, меҳрибонлик кўрсатар эди. Бир куни Ахий Фарруҳни харобада учратди. Уни уйига олиб келди, яхши парваришлар қилиб эъзозлади. Сўнгра Фарруҳнинг саргузаштларидан огоҳ бўлди. Фарруҳ учратган маҳбуба Ахийнинг «ҳарами иффатига содиқ эди». Яъни, унинг никоҳида эди.

Ахий

***Менки, онинг ғамига қолурмен***
***Дардига чора айлай олурмен.***
***Қилмасам ўлсам ул мурувват эмас***
***Они яхши, мурувват аҳли демас***

деб фикр қилди.

Давоми 5-бетда)




*Санация:*

## Билганга — имконият, билмаганга...

*Мамлакатимизда касодга учраган корхоналарни санация қилиш бўйича Қонун ишлаб турибди. Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос жиҳатларини ифода этган ушбу ҳуқуқий кафолатлардан оқилона фойдаланган ходимлар санация туфайли қувончли натижаларга эришаяпти. Шу билан бирга, ислоҳотларнинг асл мақсадини англамаган, иқтисодий дастаклардан фойдалана олмаётган ношуд раҳбарлар корхона умрини беҳуда ўтказиб, хўжасизликка йўл қўймоқдалар. Мақоламиз санациялашда турли натижаларга эришаётган корхоналар хусусида.*

«Булоқбоши ипаги» ҳиссадорлик жамияти нафақат пиллани қайта ишлайдиган, балки мамлакат ва ҳатто хориж ипакчилик саноатига қимматбаҳо хомашё етказиб берувчи Андижон вилоятидаги ягона корхона ҳисобланади. Тан олиб айтиш керак, дастлабки кезларда у чакки ишламади. Бироқ бозор талабларини ҳисобга олмаслик, мутахассислар қўнимсизлиги панд берди. Қарзлар болалади. Оқибатда 2003 йил бошига келиб, у иқтисодий ночор корхоналар қаторига тушиб қолди. Бу ерда санация ўтказиладиган бўлди. Ўз тақдирини пиллачилик саноати билан боғлаган Ҳасанбой ҳожи Мансуров ташқи бошқарувчи этиб тайинланди.

Хўш, муз ўз ўрнидан кўчдими, кўзга ташланарли қандай ўзгаришлар содир этилди?

– Қўли пул кўрмай, ишдан кўнгли совиб, жамоадан кетиб қолганларни ўрнига қайтара бошладик, – дейди янги раҳбар. – Беш юздан ортиқ ишчи ва мутахассис ўз дастгоҳлари ёнига қайтди. Шу туфайли ишлаб чиқариш қувватлари ошмоқда.

Ҳукумат томонидан корхонага 1 миллиард 900 миллион сўм миқдорида инвестиция ажратилди. Шу маблағ ҳисобига Жанубий Кореядан замонавий технологиялар келтирилди. Уларнинг ишга туширилиши жаҳон андозалари даражасида ипак ишлаб чиқаришдан ташқари, бора-бора вилоятда тайёрланаётган пилланинг асосий қисмини қайта ишлаш имконини беради. Бундан ташқари, туман ёшларидан яна 500 нафари доимий иш ўрнига эга бўлади.

Кўнгилга ёруғлик соладиган бу каби ўзгаришларни кўриб, беихтиёр хаёлдан «Ахир, ишласа бўлар экан-ку!» деган ўй кечади.

«Андижонмаш» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳам банкротлик ҳолатидан тараққиёт йўлига чиқиб олгач, ҳақли равишда «Корхонамиз – фахримиз» дейишмоқда. Жамоани ночорлик исканжасидан олиб чиқишнинг ўзи бўлгани йўқ, албатта. Авваламбор, вилоят ҳокимлиги корхонага тажрибали, етук мутахассисларни жалб этди. Ана шу кадрлар ишни корхонани реструктризация ёки соддароқ қилиб айтганда, қайта таркиб топтиришдан бошладилар. Бу бир йилдаёқ ўз натижасини кўрсатди.

Маълумки, бозор шароитида мутахассислар, раҳбарлар билимдонлиги, дадиллиги, янгиликларга иштиёқи, бозор талабларини пухта ўрганиши ғоят муҳим ўрин тутади. Юртбошимизнинг кадрлардан ана шундай фазилатлар талаб қилаётгани бежиз эмас, ахир. Шундай қилиб, корхонага бир неча юз миллион сўм зарар келтираётган, аммо фойдаланилмай ётган мулклар, катта иш майдонларининг баҳридан ўтишга тўғри келди. «Чўлпон» боғи ҳамда умумий ётоқхона биноси маҳаллий ҳокимлик тасарруфига ўтказилди. Маънан эскирган дастгоҳлар, ўз умрини яшаб бўлган жиҳозларни янгилашга киришилди. Нокерак мулклар сотувга қўйилди.

Айни чоғда саккизта кичик ва шўъба корхоналари ташкил этилди. «Асбобсоз», «Машинасоз», «Тажриба», «Композит», «Андижондизель» сингари кичик корхоналар бозор талабига қараб маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Буюртмалар туша бошлади. Ишчилар шартнома мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишига эътибор қарата бошладилар.

Буларнинг ҳаммаси корхона иқтисодиётини яхшилашга олиб келди. Мисол учун, қисқа вақт ичида 330,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Унинг 266 миллион сўмликдан ортиғи буюртмачиларга етказиб берилди. Пировардида 18,5 миллион сўм соф фойда кўрилди. Рентабеллик даражаси аввалги йиллардагига қараганда 243,5 фоиз ўсди.

– Жамоамиз қишлоқ хўжалигига сув билан ҳаводек зарур бўлган мосламаларнинг элликдан ортиқ турини ишлаб чиқармоқда. — дейди тажрибали токарлардан бири Ғанижон Холмирзаев. – Шулардан бири «ОВХ» пуркагичидир. Авваллари бу хилдаги мосламалар Тошкент машинасозлик заводида тайёрланар эди.

Шу ўринда корхона тараққиётини таъминлашга хизмат қилаётган яна бир омилга эътиборингизни тортмоқчимиз. Жамоа қачон буюртма тушаркин, деб мижоз йўлига кўз тикмаяпти. Аксинча, деҳқонларнинг олдига ўзи бораяпти. Улар билан маслаҳатлашаяпти. Ишлатиш учун қулай мосламалар тайёрлаб бермоқда. Импорт ўрнини босувчи «Андижон-21» дизель агрегати, культиваторлар, «ПТС» ва «ОВХ» насослари, «Агидель» русумидаги уй насослари шулар жумласидан. Бу маҳсулотларга Марказий Осиё республикаларидан буюртмалар тушаётгани, шартномалар тузилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Биз юқорида банкротлик ҳолатига тушиб, ташқи бошқарув жорий этилгач, ўз молия-хўжалик фаолиятини яхшилаб олган икки корхона хусусида сўз юритдик. Афсуски, вилоятда ана шундай имтиёзлардан самарали фойдалана билмаётган, ўз қобиғига ўралашиб қолиб кетаётган, умидларни оқлай олмаётган жамоалар ҳам йўқ эмас. Жалолқудуқдаги Охунбобоев номли момиқ пахта ишлаб чиқариш корхонаси, Марҳаматдаги «Тандирчи», Андижон шаҳридаги «Семурғ» ҳиссадорлик жамиятлари бунга далил бўла олади.

Пахтаободдаги 2-хўжаликлараро кўчма механи...

(Давоми 2-бетда).

## ЕХҲТ олий комиссари Тошкентда

**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Бобур СОБИРОВ).**

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) кам сонли миллатлар ишлари бўйича олий комиссари Ролф Экеус 5 февраль куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Суҳбат чоғида мамлакатимизда истиқомат қилаётган бир юз йигирмадан ортиқ миллат ва элат вакилларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, миллий урф-одатларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, аҳиллик, диний бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр алмашилди.

ЕХҲТ олий комиссари Ўзбекистон ҳукуматининг бу йўлдаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бериб, этник жиҳатдан хилма-хил Марказий Осиё минтақасида яшаётган халқлар ўртасидаги биродарлик ришталарини мустаҳкамлашда мамлакатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг аҳамияти беқиёс эканини таъкидлади.

Учрашувда, шунингдек, томонлар Ўзбекистон — ЕХҲТ ҳамкорлигини янада ривожлантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Р.Экеуснинг Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Р.Жўраев билан учрашувида мамлакатимизда кам сонли миллатлар вакилларининг таълим олиши, китоблар, жумладан, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиши борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гап борди.

ЕХҲТ олий комиссари Ўзбекистон Байналмилал маданият марказида бўлиб, ушбу муассаса фаолияти билан яқиндан танишди. Меҳмонга мамлакатимизда мавжуд бир юз ўндан ортиқ миллий-маданий марказ фаолияти, уларнинг самарали ишлаши учун яратилаётган шарт-шароит, мазкур марказлар томонидан амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар хусусида гапириб берилди.

*Ислоҳот ва самара*

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

*БАНКЛАР ЭКАНЛИГИНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЎТГАН ЙИЛГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ АМАЛДА ИСБОТЛАДИ*

Босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси бевосита тижорат банклари фаолияти, кредит ажратмаларини мақсадли йўналишларга сарфлаш, чет эл сармояларини жалб қилишда манфаатли ҳамкорлик олиб боришга боғлиқлигини вилоят иқтисодиётининг ўтган йилги натижалари яққол кўрсатиб турибди. Банклар билан ўзаро ишонч асосида иш олиб бораётган 140 та саноат корхонасида аввалги йилга нисбатан 13,7 миллиард сўмлик маҳсулот кўп ишлаб чиқарилди. Асосан хорижий сармоядорлар маблағи ҳисобига ташкил этилиб, маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқараётган 89 та қўшма корхонада ўсиш суръатлари салкам 50 фоизни ташкил этди. Амалиётчилар бу ютуқларнинг замирида банк тизими ходимларининг ўзига хос улуши борлигини эътироф этишмоқда.

Бугунги кунда вилоятда 12 та тижорат ва битта хусусий банкнинг 76 та бўлими, битта кредит уюшмаси фаолият кўрсатяпти. Банк тизимини кенгайтириш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларга кўра, яна 2 та филиал, 11 та мини банк ва битта кредит уюшмаси катта «банк оила»сига қўшилиши арафасида турибди.

Банк тизими вилоят иқтисодиётига хизмат кўрсатишда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини, иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминлаш, тўлов тизимини такомиллаштириш ва тўловларни узлуксиз ўтказиш, нақд пул интизомини мустаҳкамлаш ва муомалада бўлган нақд пулларни омонатларга жалб қилиш орқали иқтисодиётни нақд пулга бўлган талабларини қондириш, валюта операцияларини такомиллаштириш ва кенгайтириш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш масалаларига асосий эътиборни қаратмоқда.

Аҳолини банкларга бўлган ишончларини мустаҳкамлаш, муомаладаги бўш нақд пулларни банкнинг даромад келтирувчи, узоқ муддатли омонатларига жалб қилиш туфайли 2003 йили давомида муддатли омонатларнинг улуши 29 фоиздан 56 фоизгача ўсди. Умумий омонатларнинг қолдиқлари 12,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

### Замона руҳига мос

Маълумки, бугунги кунда республикамизда мижозларга пластик карточкалар билан хизмат кўрсатишни ривожлантиришга алоҳида урғу берилмоқда. Хусусан, вилоятда чакана савдо шохобчаларига ўрнатилган терминаллар сонини кўпайтириш баробарида аҳоли омонатларини пластик карточкаларга жалб қилиш, ойлик маошларни ҳамда бошқа тўловларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш юзасидан ижобий ишлар қилинмоқда.



Марказий банкнинг Фарғона вилояти бош бошқармаси томонидан пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини жорий этиш юзасидан уч босқичли дастур ишлаб чиқилган.

Мазкур дастурнинг биринчи босқичида «Парвоз» лойиҳаси сифатида Фарғона шаҳрида ушбу тизимни жорий этиш кўзда тутилган. Бу босқичда, шунингдек, барча жараёнлар атрофлича ўрганилиб, муаммолару камчиликлар бартараф этилади, дастурга тегишли ўзгартиришлар киритилади. Бу эса ўз навбатида кенгроқ қамровли кейинги босқичларда кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича аниқланиши мумкин бўлган камчиликларни тугатиш имконини беради. Дастурнинг иккинчи босқичида Қўқон, Марғилон, Қувасой шаҳарлари ҳамда Риштон туманида янги муомала тизими жорий этилади. Учинчи босқичда эса вилоятнинг қолган туманлари янгича услуб билан қамраб олинади.

(Давоми 3-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

аҳоли истеъмол қилинган табиий газ учун ой тугагандан кейин 10 кун мобайнида, ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича ёки белгиланган нормативлар бўйича ҳақ тўлайди.

Белгилаб қўйилсинки, 5-иловага мувофиқ корхоналарга ҳақи тўланмаганлиги учун табиий газ беришни қисқартириш белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва авария брони даражасигача, табиий газ беришни тўлиқ узиб қўйиш эса — фақат суд қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

4. Белгилаб қўйилсинки, истеъмолчилар томонидан 2-иловага киритилган, белгиланадиган нархлар бўйича сотиб олинган маҳсулотдан фақат ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилади ва улар қайта сотилмайди.

Белгиланадиган нархлар бўйича сотиб олинган ресурслар истеъмолчилар томонидан қайта сотилиши ҳоллари аниқланган тақдирда қайта сотишдан олинган даромад бюджетга олиб қўйилади ва олинган даромад суммасининг 100 фоизи миқдорида жарима солинади, жарималар суммаси бюджетга ўтказилади.

Ресурсларни қайта сотиш ҳолларига йўл қўйган корхоналар раҳбарлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортиладилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси, "Ўздавнефтгазинспекция", "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Кўмир" акциядорлик бирлашмаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзиккиламчиранглиметалл" очиқ акциядорлик жамияти, "Ўзкимёсаноат" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзэлтехсаноат" ва "Ўзпахтасаноат" уюшмалари, ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда бир ой муддатда 1 ва 2-иловаларга киритилган маҳсулотларнинг ҳар қайси тури бўйича маҳсулотни биржа ва кимошди савдоларига қўйиш ва сотишнинг пухталаштирилган тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Бунда тартибда шартнома мажбуриятлари бажарилиши, ўз вақтида ҳақ тўланиши ва шартнома интизомини бузганлик учун жарима белгиланиши устидан қатъий назорат қилиш механизми назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси лицензия битимларига мувофиқ биржа котировкалари ва кимошди савдолари нархлари ҳар ҳафтада оммавий ахборот воситаларида ўз вақтида эълон қилиниши ва уларнинг ишончлилиги устидан қатъий назоратни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 5 февраль.

*Изоҳ: Қарорда кўрсатилган иловалар ихтисослашган газета ва журналларда эълон қилинади.*

---

Жиззах вилоятидаги фермер хўжаликлари раислари иштирокида уюштирилган бир ҳафталик семинарга илғор хўжаликлар раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси билимдонлари, республикадаги кўзга кўринган иқтисодчи олимлар, ҳуқуқшунослар жалб этилди.

### Тажрибалар баҳам кўрилаяпти

Амалий машғулотлар давомида пешқадам фермерлар тажрибасини баҳам кўриш кўзда тутилган. Давра суҳбатида иқтисодчи-олимлар, ҳуқуқшунослар фермерларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришади. Энг муҳими, юзага келаётган муаммоларнинг катта қисми шу ерда ечимини топмоқда.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*Мустақиллик иншоотлари*

# БИР МИЛЛИОН ТОННА

*ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЙИЛ ДАВОМИДА ШУНЧА РУДАНИ ҚАЗИБ, ҚАЙТА ИШЛАЙДИ*

Зарафшон шаҳри яқинида бир олтин саралаш мажмуи қад ростлади. «Амантайтов — Голдфилдс» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси маҳсулот бера бошлади.

Маълумки, табиий ресурслар мамлакат иқтисодиёти ривожини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Республикамизнинг шимолий ҳудудини ўраб олган Қизилқум эса битмас-туганмас бойликлар манбаи эканлиги ҳақида кўп ёзилган. Бу шунчаки гап эмас. Хазинатопарлар буни амалда исботламоқдалар.

Истиқлолдан кейин Қизилқумда мамлакатнинг олтин саноати академияси яратилди, десак муболаға бўлмайди. Иқтисодий ислоҳотларнинг амалий мисоли сифатида вужудга келган йирик корхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда. Улардан бири «Амантайтов-Голфилдс» Ўзбекистон—Буюк Британия қўшма корхонасидир.

Лопро (Британия) компанияси ва Халқаро молия корпорацияси муассислигида, Навоий кон-металлургия комбинатининг бевосита ёрдамида вужудга келди. Кўзда тутилган мақсад эса Амантайтов, Узунбулоқ, Давгистов, Сариботир, Асатовнинг олтинга бой конларини ўзлаштиришдир. Ушбу лойиҳага мувофиқ, «Оксус Ресорсис корпорейшнл» корпорацияси томонидан умумий ҳажми 164,1 млн АҚШ долларига тенг инвестициянинг 25 млн. доллари ишлаб чиқаришга йўналтирилди.

Корхона Зарафшон шаҳридан 30 км. жанубда,Мурунтов олтин конидан 20 км нарида бўй кўрсатди. Эгаллаб турган майдони шу атрофда жойлашган Мурунтов ва 2-гидрометаллургия заводига нисбатан анча ихчам. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ технологик жараёнлар ҳам бирмунча ўзгача.

— Компаниямиз ҳали ёш, — дейди корхона бош директори Ричард Уотсс. — Аммо ер ости бойликларини излаб топиш, олтин қазиб олишда етарлича тажрибага эга. Бу борада Ўзбекистонда бирмунча ишларни бажарганлигимиз мутахассисларга аён. Жумладан, «Амантайтов-Голдфилдс» жуда муҳим ва салобатли лойиҳалардан биридир. Уни белгиланган муддатларда амалга ошириш ва бир маромда ишлашини таъминлаш келажакда олтин саноатининг кескин ривожланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

— Корхона қурилишига ўтган йилнинг апрель ойида киришилган эди, — дейди бош директор ўринбосари Сергей Саломатин. — Жанубий Африка Республикаси, Мали, қўйинг-чи, Африка қитъасида кон-тоғ саноати бўйича етарлича тажрибага эга бўлган «Маед» компанияси бош пудратчи сифатида катта ҳажмдаги ишларни амалга оширди. Шу йилнинг апрель ойигача мўлжалланган 1-навбат қурилиши муддатидан анча олдин тугалланди.

Австралиядаги БИ-СИ-ЭМ компанияси тендер ғолиби сифатида қудратли машина ва механизмларни келтириб, қазиш ишларини бошлаб юборди. Мавжуд учта карьерда ҳам лойиҳада кўзда тутилган юмушлар асосан, поёнига етди. Барча бунёдкорликларга деярли маҳаллий кадрлар жалб этилди. Улар қурилишда ҳам, технологик жараёнларни ўзлаштиришда ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Айни кунларда бош технолог Баҳром Жалоловда тиним йўқ. Унинг таъкидлашича, корхона йилига 1 млн. тонна рудани қазиб олиб, қайта ишлайди. Умумий жараёнлар оддий, содда, лекин жуда тезкор. Карьердан чиқаётган руда бункерларда майдаланиб, эланиб борилаверади. Сўнгра диаметри 20 метрли компрессорлар орқали омборхонага йўл олади. Икки босқичли иккита тегирмондан ўтгач, гидравлик усулида кимёвий моддалар ёрдамида обдон ювилади. Тинитиш, керакли моддаларни чўктириш йўллари ҳам конвейер усулида давом этади. Янги технология «Англо-америкаэн» корпорацияси томонидан яратилган бўлиб, ҳар томонлама қулай ва самаралидир.

Шу ўринда «Оксус Ресорсис корпорейшнл» ҳақида икки оғиз сўз. Компания етти йилдан бери республикамиздаги геологик қидирувда қатнашмоқда. Бир неча янги конлар заҳираларини аниқлади. Амантайтов конларини ўзлаштиришни эса 2 босқичда амалга оширишни таклиф этди. Биринчи навбатда завод қурилиши кўзда тутилди. Зарур инфратузилма яратилди. Оксисланган руда ажратиш технологияси ўрнатилди. Хомашёни қайта ишлаш фабрикаси ва бир қатор цехлар вужудга келтирилди.

Иккинчи навбат қурилишини эса 2006 йилгача тугаллаш мўлжалланган. Унгача янги ер ости карьерларига асос солинади. Бойитилган руда қазиб олиш ўзлаштирилади. Куйдириш печи қурилади. Янги линиялар очилиб, мукаммаллашган асбоб-ускуналар ўрнатилади. Бир неча бинолар, цехлар қад ростлайди. Шу йилдан бошлаб «Каракала-Амантайтов» сув йўли қурилишига киришиш кўзда тутилган. Хуллас, қўшма корхона тўлиқ лойиҳа қувватига етгач, 400 га яқин янги иш ўрни вужудга келади. Шериклар Навоий кон-металлургия комбинатининг амалий ёрдами ва фаол иштирокидан ғоят миннатдор.

Ҳа, Қизилқум бағрида яна бир корхона бўй кўрсатди. У 8 йил давомида 240 млн. АҚШ доллари миқдорида олтин ва кумуш сотиш имкониятига эга. Чет элликларнинг мамлакатимизга қизиқиши ва ишончининг яққол намунаси бу.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

(Давоми. Боши 1-бетда).

*Санация:*

# Билганга — имконият, билмаганга...

зациялашган жамланма раҳбарлари ўзларига ишониб топширилган ташкилотни оёққа турғазиш, меҳнат орқасидан рўзғор тебратаётганлар тақдири ҳақида қайғуриш ўрнига ҳеч тап тортмай, кўзбўямачилик йўлини танладилар. Андижон шаҳридаги машинасозлик касб-ҳунар лицейи негизида саноат (машинасозлик) коллежини қайта таъмирлаш жараёнида 28 миллион 968 минг сўмлик бажарилмаган ишни бажарилди деб ҳужжат тайёрлашдан уялмадилар. Банкротлик материалларини тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан эмас, нисбатан юқори нархларни таклиф этган корхоналардан сотиб олдилар. Бажарилган пудрат ишлари учун нархлар орттириб кўрсатилди. Устига устак, қурилиш ишлари амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига зид равишда сифатсиз бажарилди. Ачинарлиси, катта миқдордаги бюджет маблағлари қонунга хилоф равишда ўзлаштириб юборилди.

Андижондаги саноат корхоналарининг яловбардори бўлган, уч мингдан зиёд маҳаллий хотин-қизларнинг севимли иш жойи бўлиб қолган, истеъмол бозорини трикотаж маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари билан таъминлаб келаётган «Семурғ» фабрикаси ҳам бугунги кунда деярли ҳувиллаб қолди. Томоғига қадар қарзга ботди. Корхонани оёққа турғазиш учун ҳукумат томонидан жуда кўплаб имкониятлар берилди, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Кредиторлардан бўлган 102 миллион сўмлик тўловларга мониторинг эълон қилинди. Бироқ аҳвол ўнгланмади. Афсуслар бўлсинки, муддати чўзилган қарзлар ҳам ишлатилмасдан қолиб кетди. Ички имкониятлардан фойдалана билмаслик, уқувсизлик янги қарзларнинг йиғилиб қолишига олиб келди. Чунончи, ушлаб турилиши катта миқдордаги суммани талаб этадиган ижтимоий, маданий-маиший иншоотлар балансдан балансга ўтказилмади.

Тизим мансабдорлари бу ерда қўшма корхона тузиш ва шу йўл билан вазиятдан чиқиб кетишга уриниб ҳам кўрдилар. Шу мақсадда Германиянинг «Трутлер-Шульц» фирмаси билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлдилар. Аммо ташқи бошқарув тизими қўшма корхона лойиҳасини белгиланган муддатда тайёрлай олмади. Ишлар пайсалга солинди. Оқибатда яхши бир иш гаплигича қолиб кетди. Қўшимча иш ўринлари яратиш борасидаги режалар барбод бўлганлиги, бир сўз билан айтганда, зиммадаги масъулият талабларига заифлик билан ёндашилганлиги боис унинг раҳбарини эгаллаб турган вазифасидан озод этишга тўғри келди.

Раҳбарлик - бу юмшоқ ўриндиқларда ястаниб ўтириш, қўл остидагиларни буйруқ бериб ишлатиш эмас. Қўл қовуштириб, четдан ёрдам кутиш даври ортда қолиб кетди. Бугуннинг раҳбари «Андижонмаш»дагиларга ўхшаб иқтисодий жиҳатдан билимдон бўлиши, бошқарувга оид қонунларни пухта ўзлаштириши, вазиятни олдиндан кўра билиши талаб этиладиган шахсдир. Санация эса корхонани молиявий соғломлаштириш йўлида амалга ошириладиган муҳим тадбирдир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*«НУРОНИЙ»:*

## ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Холмурод САЛИМОВ).*** Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамғарманинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа қатор идора ҳамда ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Жамғарма марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев бошқарган йиғилишда Обод маҳалла йилида амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритилиб, мазкур ташкилотнинг ўтган йилги фаолиятига якун ясалди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январда эълон қилинган "Меҳр ва мурувват йили" дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан бажарилиши лозим бўлган ишлар муҳокама этилди.

Ўтган йили жамғарма марказий кенгаши ва жойлардаги бўлимлари томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига, жангда ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оилаларига 55 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

2004 йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши жамғарма зиммасига улкан вазифалар юклайди. Йиғилишда ана шу йўналишда амалга ошириладиган ишлар режаси белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитасининг раиси С.Иномова иштирок этди.

---




***ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири О.НОРБЕКОВ).*** Тошкент Давлат аграр университетида пойтахт вилояти қишлоқ хўжалиги ходимларининг ҳафталик семинар-мунозараси бошланди. Унда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг яқинда халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида қўйилган вазифаларни изчиллик билан бажаришга бағишланган масалалар муҳокама этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ жорий йилда вилоятда зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз йигирмадан ортиқ ширкат хўжалиги тарқатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этилади.

Семинарда вилоятда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, замонавий агротехнологияларни қўллаш, селекция ва уруғчиликни такомиллаштириш, чорвачиликда наслчилик ва сервис хизматини яхшилаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилади.

---

*Қишлоқда тиббий хизмат*

# ҚВП қурилди: нима ўзгарди?

*— Қизимнинг фалаж бўлиб ётиб қолганига кўп бўлди, — дейди Иқбол амма. — Унинг устига астмаси ҳам бор. Тунов куни нафас ололмай, қийналди. Осма укол қуйдираман деб у дўхтирга бораман, бу дўхтирга бораман, қани биронтаси келса... Қишлоқда яшашнинг шуниси ёмон-да... Бечора қизим 26 йил ҳамшира бўлиб ишлади. Биров ёрдам сўраса, кечасими-кундузими, "йўқ" демай кетаверарди...*

***Қамаши туманидаги Азлартепа қишлоғида яшовчи 70 яшарли момонинг гапи бу.***

*— Тиббиётни ислоҳ қилиш давлат дастури бўйича туманда 10 та қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аслида, 11 та бўлиши керак эди, Пасттол қишлоғидаги қишлоқ врачлик пунктининг қурилиши тугалланмай қолди. Шу жумладан, 2002 йилда «Оқработ» хўжалигидаги қишлоқ врачлик амбулаторияси биноси таъмирланиб, ҚВПга айлантирилди. Бу ишга 43 миллион 362 минг сўм сарфланди. Шунингдек, 8 миллион 334 минг сўмлик жиҳозлар олиб берилган. Мазкур муассасада 3 врач, 1 умумамалиёт врачи, терапевт, стоматолог, 15 нафар ўрта тиббиёт ходими ишлайди. Тўғри, педиатр йўқ. Ўтган йили Оқработ ҚВПси 480,8 минг сўмлик дори-дармон билан таъминланган. Азлартепа қишлоғи ҳам «Оқработ» хўжалигида жойлашган.*

***Бу — Қамаши тумани марказий шифохонаси бош врачи, Олий Мажлис депутати Абдурасул Ғофуровнинг гапи.***

Хўш, миллион-миллион маблағ сарфланиб қурилган, 15 номдаги турли хил замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланган ҚВП да шунча дўхтир ишлаётган бўлса, тиббий хизматда ўзгариш бўлдими? Қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатилаяптими? Агар кўрсатишганда эди Иқбол амма бу гапни айтмаган бўларди.

Қамаши туманидаги қишлоқ врачлик пункти замонавий лойиҳа асосида қурилиб, 1998 йилда ишга туширилган.

— Фақат қурилиш ишлари сифатсиз бажарилган, — дейди пункт мудири Ортиқ Рустамов. — Айвоннинг тепасига қоқилган шифердан сув пастга оқмайди. Орқага қайтиб, ичкарига тушади. Ичимлик суви йўқ. Ойига 2 марта сув олиб келиб, ҳовузга қуямиз. Шароит бўлмагани учун электр билан иситиларди. Иситгич куйиб қолди.

Қишлиқ қишлоғида қарийб 10 минг аҳоли яшайди. Врачлик пунктида эса 2 терапевт, 1 педиатр хизмат қилади. Акушер-гинеколог ҳафтада бир келиб, беморларни қабул қиларкан. Физиотерапия хонасида зарур тиббий асбоблар бор.

— 8 январдан бери бемор қабул қилмадик, — дейди физиотерапия хонаси фельдшери Абдурашид Рустамов. — Чироқ йўқ.

Муолажа хонасида биринчи тиббий ёрдам учун керак бўлган дорилар бор. Фақат битта ампула ёки битта таблеткадан, холос. Улар ишлатиш учун эмас, кўргазма учун қўйилганга ўхшайди.

Шу тумандаги Пасттол қишлоғида 7 минг аҳоли истиқомат қилади. Ўтган йили бу қишлоқда ҳам врачлик пункти қуриб битказилиши керак эди. Бироқ ҳозиргача қурилиш ишлари чала ётибди. Энг ачинарлиси, қилинган ишлар ниҳоятда сифатсиз бажарилган.

— Биз бир нарса дея олмаймиз, — дейди Абдурасул Ғофуров. — Вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси буюртмачи ҳисобланади.

Наҳотки шундай бўлса? Унда унинг туман марказий шифохонаси бош врачлиги қаерда қолади? Устига-устак, Олий Мажлис депутати бўлса. Қамаши туманида 10 та ҚВП бор. Уларда жами 10 умумамалиёт врачи, 5 педиатр, 7 терапевт, 9 стоматолог ишлайди. Акушер-гинекологлар туман марказий шифохонасидан белгиланган жадвал асосида муайян вақтда бориб, беморларни қабул қилишади. Ўтган йили тумандаги Ёртепа қишлоқ врачлик пунктига 355 минг сўмлик, Лойқага — 455,3 минг, Қишлиққа — 235,5 минг, Бердига — 137,1 минг, Тўқбойга — 143,2 минг, Чангакка — 309,6 минг, Қамайга — 391,6 минг, Оқрабодга — 480,8 минг, Қоработга — 241,7 минг ва ниҳоят Баландчайла қишлоқ врачлик пунктига — 94,3 минг сўмлик дори-дармон берилган. Туман марказий шифохонаси эса 51 миллион 903 минг сўмлик дори-дармон билан таъминланган. Нега уларга дори-дармонлар бунчалик кам миқдорда ажратилган?

— Бу йил кўпайтирамиз, — дейди бунга жавобан Абдурасул Ғофуров.

Майли. Шундай ҳам бўлсин. Бемор дори-дармонни ўзи топади. Лекин у ўз вақтида малакали тиббий хизмат ололадими? Бунга кафолат борми? Тўғри, ҚВП ларда дистилятор, ЭКГ, лазер, ампулипульс, гидропульт, УВЧ, дарсенвал, электрофарез каби тиббий асбоб-ускуналар бор. Кўпи замонавий. Бироқ улардан қандай фойдаланилмоқда? Энг асосийси дўхтирлар, ўрта тиббиёт ходимлари қандай ишлаётирлар? Умуман, тиббий хизмат кўрсатиш қишлоқда қандай ташкил этилган? Лабораториялар иши қандай? Бу ишларни ким назорат қилади? Бош врач Абдурасул Ғофуров бу саволларни кутмаган экан.

— Қишлоқларда яхши врачлик пунктларимиз ҳам бор, уларни кўрмадингизда, — дея олди, холос.

Тўғри, "яхши ҚВПлар", яъни кўргазма учун, текширувчиларга кўрсатиш учун ясатилганлари бор. Буни инкор этмаймиз. Аммо уларни қуриш ва жиҳозлашдан мақсад нима? Мақсад, энг аввало, муайян ҳудуддаги аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, тиббий хизмат сифатини ва самарадорлигини ошириш. Шундай эмасми? Қамаши туманида шунга эришиляптими? Иқбол аммамиз Абдурасул Ғофуровнинг ўзига арз қилган, дардини айтган. Хўш, шундан кейин ўзгариш бўлдими? Бундан кейин момомиз фалаж бўлиб ётган, бўғма дардига чалинган қизига тиббий ёрдам ола биладими?

Яккабоғ туманидаги Совуқбулоқ қишлоқ врачлик пунктида бўлганимизда ҳам ана шундай саволлар бизни безовта қиларди. Сабаби, бунда шинам тиббиёт муассасига туш вақти бориб, биттаям дўхтирни учратмадик. Ҳаркалай, патронаж ҳамшираси Раъно Қодирова бор экан. Иш вақти эрталаб 8.00 дан кеч 5.00 гача деб қўйилгани билан бунга амал қилинмас экан. Бу вилоятда хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги ҳақида гапириш ортиқча, албатта.

Узун қишлоқ врачлик пункти эшиги қулф экан. Хайрият қоровул Ҳамид Валиев келиб қолиб эшикни очди. Бу аҳволни кўриб Яккабоғ туман марказий шифохонаси бош врачи Б. Жўраев нима дейди денг:

— Ўзи қишлоқларда бундай пунктларни қуриш нимага керак? Ишлайдиган врачлар бўлмаса.

Унинг гапини эшитиб, вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Д. Турсунов қаҳ-қаҳ уриб кулади-да:

— Афандимисиз, — дейди. — Ўйлаб гапираяпсизми?

— Ҳа, энди айтдим-қўйдимда, — минғиллайди бош врач. — Мевазор қишлоғидаги пунктни кўрайлик дедим. Унамадингизлар. У ерда яхши эди, одам ҳам бор эди. Тайинлаб қўйгандим.

Ана шу Узун қишлоқ врачлик пункти 2001 йилда янги лойиҳа бўйича замонавий тарзда қурилган. Маълумотларга кўра у ерда 1 врач, 9 ўрта тиббиёт ходими ишлар экан. Қани улар? Улар қачон ишлашади? Бу саволларга бош врач елка қисиб қўя қолди.

Китоб туманининг Қабзахона қишлоғидаги врачлик пункти яқиндагина қурилиб, ишга туширилган. Бошқа шундай муассасалардек бир хил лойиҳа бўйича қурилган. Бироқ ичкарига киришингиз билан саранжом-саришталикни, озодаликни кўриб, баҳри-дилингиз яйрайди. Иссиқ-совуқ сув бор. Тиббий асбоб-анжомлар бари янги, замонавий. Иш вақти тугаган бўлса ҳам мудир Даврон Баҳриддинов ҳам, ўрта тиббиёт ходимлари ҳам ишдан кетишмаган экан.

— Пунктимиз яқинда очилди, — дейди физиотерапия хонаси ҳамшираси Гулчеҳра Баҳриддинова. — Ҳали одамлар ўрганишмаган. Шунинг учун ишдан кейин ҳам қолиб ишлаяпмиз. Лаборант Зулайҳо Шерқулова, акушер Ҳилола Тошева ҳам шу гапни айтишди.

Қашқадарё вилоятида 187 та ана шундай қишлоқ врачлик пунктлари бор. Бироқ ҳаммаси ҳам Қабзахона қишлоғидагидек иситилаяпти, иссиқ-совуқ сув билан таъминланган, дўхтирлари сидқидилдан ишлаяпти, деб ким айта олади? Ваҳоланки, ана шу ҚВПларнинг аксарияти бир хил лойиҳа асосида, замонавий қилиб қурилган. Янги тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган. Уларда 456 врач ишламоқда. Бу штатга нисбатан 97 фоиз, демакдир. Ўрта тиббиёт ходимлари сони 2010 нафарни ташкил этади. ҚВПларда штатга нисбатан бу 98,8 фоизни ташкил қилади. Айни кунларда фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктларида 61 врач етишмайди.

Ўтган йили вилоятдаги ҚВПлар жами 64 миллион 80 минг сўмлик дори-дармон билан таъминланган. Шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан 11 марта 41 турдаги дори-дармонлар берилган.

Вилоятдаги биронта ҚВПда транспорт воситаси йўқ. Табиий савол туғилади: нима учун қишлоқларда бундай врачлик пунктларини қуриш, жиҳозлашга бу қадар катта аҳамият берилаётир? Жавоб битта: қишлоқдаги янги замонавий тиббиёт тармоғини шакллантириш, қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, энг асосийси, касалликларнинг олдини олиш.

Яна бир савол: вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси раҳбарияти ва тумандардаги марказий шифохоналар бош врачлари шу талабдан келиб чиқиб иш тутишаяптими? Иш услубини шунга қараб ўзгартиришганми? Қишлоқ аҳолиси ана шу ўзгаришларни амалда ҳис қилишаяптими, шифокорлардан мамнун бўлишаяптими? Ҳар ҳолда бу саволларга ижобий жавоб бериш мушкул. Миллионлаб маблағ сарфланиб, ҚВПлар қурилса ва ноёб тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозлансаю хизмат паст савияда бўлса, кимга алам қилмайди?

Нега Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси раҳбарияти шу ҳақда чуқурроқ бош қотирмайди? Ё вақт йўқми? Хуллас, ўйлаб кўрадиган, жиддий шуғулланиш лозим бўлган ишлар талайгина. Одамлар шуни кутишмоқда. Аммо кутишнинг ҳам чек-чегараси бор.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Дастурни амалга оширишнинг дебочаси сифатида Австриянинг «BGS SCS» компанияси вакиллари иштирокида ушбу мавзуга бағишланган амалий семинар ўтказилди.

Пластик карточкалар орқали накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг жорий этишдан кўзланган асосий мақсад айни пайтда долзарб ҳисобланган накд пул ҳамда банкдан ташқари пул айланмаси билан боғлиқ муаммоларни тез, сифатли ҳал этишдир.

Ўтган йили тижорат банклари бўлимлари томонидан 25 та терминал чакана савдо шохобчалари, бозорлар, коммунал идораларга ўрнатилди. Шунингдек, 20 дан ортиқ терминаллар савдо айланмаси кичикроқ савдо шохобчаларидан савдо айланмаси каттароқларига алмаштирилди. Аммо ўтказилган мониторинг натижалари мавжуд терминаллар чакана савдо шохобчалари эҳтиёжини тўла қондиришга имконияти етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Марказий банк Фарғона вилояти бош бошқармаси томонидан дастурнинг биринчи босқичи учун зарур терминаллар ва пластик карточкалар келтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ҳозирда республика банклари томонидан ушбу мурожаат кўриб чиқилмоқда.

Пластик карточкалар орқали накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини жорий этиш дастурини амалга ошириш жараёнига барча манфаатдор идоралар жалб қилинган. Айни чоғда бу хайрли ташаббус қатор вилоят тижорат банклари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, «Универсалбанк»нинг республикамизда мавжуд «BGS» SMART CARD Systemsнинг «DUET» тизими МЧЖ «FIDO BISNESS» билан Франциянинг «BULL» корпорацияси томонидан киритилган «FUNCHIP» ва «TRAST» карточка тизимларини етказиб бериш борасида компаниялар билан музокаралар олиб борилмоқда.

## Кредит мақсадли йўналтирилса...

Вилоят иқтисодиётининг таянч тармоқларини, ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш, янги технологияларни қўллаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида 2003 йил давомида тижорат банклари томонидан 69,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Шундан 31 млрд. сўми (45%) саноат, 9,2 млрд. сўми (13,2 %) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 14,6 млрд. сўми (20,9 %) савдо ва умумий овқатланиш хизматлари кўрсатиш, 1,2 млрд. сўми (1,7 %) қурилишга йўналтирилди.

Банкларнинг кредитлари ҳисобидан 3 та йирик ишлаб чиқариш корхонаси жумладан, «Қўқонспирт», «Қуватекстил», «Қобул Фарғона ЛТД» қўшма корхоналари ишга туширилди. «Кимётолалар», «Кварц» ҳиссадорлик жамиятлари, «Азот» бирлашмаси, Фуран бирикмалари кимё заводида эса янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

Тадбиркорликни ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банкларига мурожаат қилган 3212 та хусусий бизнес субъектига 2003 йил давомида 19,2 млрд. сўм ёки 89,5 фоиз кредитлар банкларнинг бюджетдан ташқари фондлари ҳисобидан ажратилди. Бу жабҳада 2002 йилдагига нисбатан ўсиш суръати 19,7 фоизни ташкил қилди. Шундан 1038 та нафар тадбиркорга 2867 млн. сўм миқдорида микрокредитлар, 310 та кичик бизнес субъектига 354 млн. сўм миқдорида бошланғич сармоясини тўлдириш учун кредитлар берилди.

Шу билан бирга, ўтган йил давомида тижорат банкларининг жамғармалари ҳисобидан 319 та лойиҳага 1353 млн. сўм, «Бизнес-фонд» ҳисобидан 330 та лойиҳага 488,5 млн. сўм, «Бандлик» кўмаклашув жамғармаси маблағларидан 208 та лойиҳага 1459,5 млн. сўм, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 17 та лойиҳага 27,3 млн. сўми ажратилиб, молиялаштирилди.

Бундан ташқари, 3 мингдан ошиқ фермер хўжалиги 4,7 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар билан таъминланди.



СУРАТДА: Халқ банкининг мижозлар билан ишлаш учун бунёд этилган янги зали.

## Хорижий ҳамкорлар мададида

Чет эл сармоясини ўзлаштириш, хорижий кредит линиялари ҳисобидан илғор ва замонавий асбоб-ускуналар олиб келиш ҳисобига экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 12 та инвестицион лойиҳани молиялаштириш учун чет эл кредит институтларидан 298,8 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар жалб қилиниб, ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Хусусан, Қўқон шаҳридаги «Парнас» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида сунъий қоп, Учкўприк туманидаги «Амотон» хусусий фирмасида ойна, кўзгу ва бошқа буюмлар, «Бестекс» қўшма корхонасида кардон калава ип ва «Ишонч» ҳиссадорлик жамиятида эса калава ип ишлаб чиқариш қувватлари ўзлаштирилди.

«Пахтабанк»нинг Қўқон бўлими томонидан хизмат кўрсатилаётган «Қўқоннон» шўъба корхонасига макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш учун 361.988 АҚШ доллари миқдорида Осиё Тараққиёт банки томонидан берилган кредит ҳисобига Италиянинг «Ла Манферрина» фирмасидан замонавий технология олиб келинди. Лойиҳани амалга ошириш туфайли 35 та янги иш ўрни яратилди. Ўтган даврда корхонада 130,8 миллион сўмлик макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 116,8 миллион сўмлиги реализация қилинди. Бу эса олинган кредитнинг муддатидан аввал қайтариш имконини бермоқда.

«Пахтабанк»нинг Марғилон бўлими томонидан хизмат кўрсатилаётган «Фер-Кон Текстайл» фирмасининг тўқимачилик конуси ишлаб чиқариш бўйича инвестицион лойиҳасини амалга ошириш учун эса 220, 000 АҚШ доллари қийматида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ҳисобидан кредит ажратилди. Йилига 17 миллион дона конус ишлаб чиқарувчи технология жанубий Кореянинг «Хадо Ресурсес» фирмасидан олинди. Йил давомида тайёрланган 55,6 миллион сўмлик маҳсулот тўла реализация қилинди. 17 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспортга чиқарилди. Бу эса олинган кредитнинг 30,6 минг АҚШ долларини аввалдан қайтариш имкониятини яратди.

«Пахтабанк»нинг Қўқон бўлими мижози — «Парнас» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг сунъий қоп ишлаб чиқариш бўйича инвестицион лойиҳаси учун Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ҳисобидан 309, 035 АҚШ доллари миқдорида кредит берилган эди. Йилига 5 миллион дона маҳсулот ишлаб чиқариладиган ушбу корхонада 39 киши иш билан таъминланган. Ўтган даврда 112,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, тўла реализация қилинди. Шу билан бирга, олинган кредитнинг 28,7 минг АҚШ доллари миқдоридаги қисми муддатига етмасдан қайтарилди.

***Вилоят банк тизимида амалга оширилаётган ишларни Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Содиржон УСМОНОВ шундай шарҳлайди:***

*— Жорий йилда хорижий кредит линиялари ҳисобига 2028 минг АҚШ доллари миқдорида 2 та лойиҳани молиялаштиришни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, «Миллийбанк», «Пахтабанк», «Ҳамкорбанк» ҳамда «Асакабанк» бўлимлари томонидан тайёрланиб, экспертизадан ўтказилаётган салкам 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 7 та лойиҳа ҳам яқин кунларда ҳаракатга келади.*

*Шунингдек, валюта бозорини эркинлаштириш ва валюта айирбошлаш операцияларини кенгайтириш мақсадида вилоятда қўшимча 12 та валюта айирбошлаш шоҳобчаси очилиб, уларнинг сони 85 тага етди. Бу шоҳобчалар асосан вилоятимизда мавжуд савдо марказлари, деҳқон ва буюм бозорлари, автошоҳбекатларда фаолият кўрсатяпти. Шохобчаларнинг техник жиҳозланиши республика Марказий банки талабларига тўла жавоб беради.*

*Мавжуд валюта айирбошлаш шохобчалари орқали йил давомида резидент ва норезидентлардан 10.372 минг доллар, 47,7 минг доллар миқдорида йўл чеки, 12,1 минг евро сотиб олинди. Резидентларга 452,7 минг доллар, 2,3 минг доллар миқдорида йўл чеклари ва 24,1 минг евро сотилди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан валюта сотиш 6,3 марта, сотиб олиш эса 2 баравар ўсганлигини кўрсатади.*

*Айни чоғда вилоятнинг банк тизими томонидан халқаро пул ўтказиш тизимлари бўлган «Westren Union», «Contact», «Money Gram», «Импексбанк» операциялари таклиф қилинмоқда. 2003 йил давомида ана шу тизимлар орқали 12,9 млн. АҚШ долларилик 26800 та операция амалга оширилгани мижозларда катта ишонч туғдирмоқда,*

*Умуман, барча ишларимиз банклар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг таянч нуқталаридан бири эканлигини амалда исботламоқда.*

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида мазкур даргоҳ профессор-ўқитувчилари ва талаба ёшларининг Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбир шоирнинг рус тилида чоп этилган "Благословенно прожитое мной" тўпламининг тақдимотига бағишланди.

Кечада мустақиллик йилларида юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби санъат ва маданият, маънавият ва маърифат, адабиёт соҳаларида ҳам улкан ютуқларга эришилаётгани, халқимизнинг бунёдкорлиги шоир ва ёзувчиларимизга илҳом бахш этаётгани таъкидланди.

Учрашувда шоир шеърларидан намуналар ўқилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# РАҲБАРЛАР — «ЁШЛАР МАРКАЗИ»ДА

***САМАРҚАНД (ЎзА мухбири Акбар ҚАРШИЕВ).***
Яқинда иш бошлаган "Ёшлар маркази"да вилоятдаги ширкат ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалигига дахлдор идора ва ташкилотлар раҳбарларининг бир ҳафталик ўқув-семинари бошланди.

Бугунги кун раҳбари қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган илмий кашфиётлар, сўнгги янгиликлардан воқиф бўлмоғи, улардан оқилона фойдалана билмоғи лозим. Шу боис бу галги ўқувга қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий изланишлари давомида муайян натижаларга эришган олимлар таклиф этилди.

Семинар очилишида Самарқанд вилояти ҳокими Р. Холмуродов иштирок этди.

# Ҳайит қувончлари

*Мурувват*

3 февраль куни пойтахтимизнинг Хлебушкина номидаги Меҳрибонлик уйида Қурбон ҳайитига бағишланган байрам тадбири ўтказилди. Меҳр ва мурувватга муҳтож болаларга аталган ушбу тадбир Халқ таълими вазирлиги ҳамда вазирлик қошидаги Ўқув-таълим таъминоти бош бошқармаси томонидан ташкил этилди.



Байрамлардай безатилган «Меҳрибонлик уйи»да қўшиқ-куйлар янгради. Бу даргоҳда тарбияланаётган 75 нафар болакайнинг ҳар бирига ҳайитлик совғалари туҳфа этилди. Уларга қишки кийим-кечак, пойабзаллар, китоблар топширилди. Тантаналардан сўнг болакайлар учун байрам дастурхони безатилиб, ош тортилди.

Табаррук Қурбон ҳайити «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари қалбига ҳам қувонч ва мурувват нурларини бағишлади.

**М.САФАРОВ.**

O‘zBM
O‘ZBEKYENGILSANOAT BURSEL MITSUBISHI CHINOZ TO‘QIMACHI LTD JV

«ЧИНОЗ ТЎҚИМАЧИ»
ЎЗБЕК-ТУРК-ЯПОН ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Халқаро ISO 9001-2000 Чинозда

«Ўзбекенгилсаноат» компанияси тарихида биринчи бўлиб ўз маҳсулотига Халқаро ISO 9001-2000 сифат бошқаруви тизими сертификатини қўлга киритди.

2001 йил, яъни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигида юбилей объекти сифатида ишга тушган бу корхона 2003 йил охирида 21245000 АҚШ долларилик маҳсулотини АҚШ, Канада, Бельгия, Португалия, Греция, Италия, Франция, Туркия, Россия ва бошқа чет давлатларга экспорт қилди.

Шу билан бир қаторда республика ички бозорида ҳам ўз мавқеига эга бўлди. Ҳозир корхона маҳсулотига ташқи ва ички бозорда талаб катта (харидор эътиборини қозониш учун маҳсулот ва хизматлар сифатини доимий ривожлантириш «Чиноз Тўқимачи» қўшма корхонаси ходимларининг асосий вазифасидир).

Корхона таъсисчиларидан бўлган «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ва Туркиянинг «Бурсел» фирмаси хомашёдан ташқари тайёр кийим-кечакларни ҳам экспорт қилиш мақсадида Чирчиқ шаҳрида янги «Бурсел-Тошкент-Текстил» қўшма корхонасини ишга тушириш арафасида.




«Чиноз Тўқимачи» ЛТД.

# Режани амалга ошириш бошланди

*Исроил Фаластин Мухториятидан бир томонлама ажралиш режасини амалга оширишга киришди. Мамлакат Бош вазири Ариэл Шарон Ғазо секторидан 17 та яҳудийлар яшовчи аҳоли пунктини кўчириш ҳақида буйруқ берди. Шу билан бирга, у Фаластин Мухториятидан бир томонлама ажралиш ҳамда у ерлардаги яҳудийлар яшовчи аҳоли пунктларини тугатиш режаси бўйича умумхалқ референдуми ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватлашини билдирди.*

Маълумки, Исроил Бош вазири бундан бирмунча вақт илгари "Йўл харитаси" режаси боши берк кўчага кириб қолганини ва бир томонлама ажралиш режасини ҳаётга татбиқ қилиш орқали минтақада тинчлик ўрнатиш мумкин эканини маълум қилганди. Аммо бу режа мухолифат томонидан ҳам, ҳатто Бош вазир раҳбарлик қилаётган "Ликуд" партиясининг баъзи аъзолари томонидан ҳам танқид қилинди. Икки кун аввал "Ликуд"нинг кнессет(парламент)га депутат бўлган 10 нафар аъзоси Шаронга ёзма равишида мурожаат қилиб, уни партия раҳбарияти билан муҳокама қилмасдан туриб, бирор режага қўл урмасликка чақирди. Мамлакат транспорт вазири Авигдор Либерман Вазирлар Маҳкамаси мазкур режани маъқулламаслиги мумкинлигини маълум қилди ва агар бу томонлама ажралиш режасига қарши эканини айтган. Меҳнат партияси етакчиси Шимон Перес эса Шароннинг Ғазо секторидан яҳудийларни кўчириш ғоясини қўллаб-қувватлашини маълум қилганди. Нима бўлганда-шаббус қўллаб-қувватланмаса, Шарон ўз ихтиёри билан лавозимидан воз кечишига тўғри келади, деган фикрни билдирди.

Исроил ташқи ишлар вазири, "Ликуд" аъзоси Сильван Шалом ҳам бир ям, Шарон ўз фикрида қатъий эканини билдириб, мамлакатда ана шундай сиёсий тадбир ўтказиши мумкинлигини айтди.

Кузатувчиларнинг фикрича, Шароннинг бундай қатъийлигига асос бор. Исроилнинг "Дахаф" ижтимоий фикр ўрганиш институти ўтказган сўровномалари натижаларига кўра, Бош вазирнинг Ғазо секторидаги яҳудийлар аҳоли пунктларини кўчириш ғоясини мамлакат аҳолисининг 59 фоизи қўллаб-қувватламоқда. 34 фоиз киши режага қарши. Бундан ташқари, Ариэл Шарон Қатарнинг "Ал-Арабия" телеканалига берган интервьюсида, агар мамлакат ҳукумати мазкур режани маъқуллашдан бош тортса, кнессет(парламент)ни тарқатиб, янги ҳукумат тузишини билдирди.



Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, режада Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги 17 та яҳудийлар аҳоли пунктида бугунги кунда 7,5 мингга яқин аҳоли яшайди.

Айтиш лозимки, Шарон Иордан дарёсининг Ғарбий соҳилидаги ерларнинг бир қисмини алмаштириш эвазига исроиллик араблар яшовчи ҳудудларни Фаластинга беришни ҳам таклиф қилмоқда.

Шунингдек, Бош вазир мазкур режани амалга оширишни молиялаштириш масаласини яқинда Вашингтонда АҚШ Президенти Жорж Буш билан бўлиб ўтадиган музокаралар чоғида муҳокама қилинишини ҳам қайд этди.

— Бу режа фақат АҚШ томонидан маъқулланса ва қўллаб-қувватлансагина амалга оширилади, — деди Исроил Бош вазири.

Фаластин Бош вазири Аҳмад Қураи Шароннинг бу режасини маъқуллашини айтди ва Исроил фуқаролари Фаластиннинг барча ерларидан кетишига умид билдирди.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

*Жаҳон давлатлари парламентлари*

## ҲУКУМАТ АЪЗОСИ ДЕПУТАТ БЎЛОЛМАЙДИ

Франция жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун унинг давлат тузилиши ҳам ўзига хос тарихга эга. Мамлакат парламенти дунёдаги энг қадимги парламентлардан саналади. У икки палатадан иборат. Қуйи палата – Миллий мажлис, Юқори палата – Сенат деб юритилади.

Миллий мажлисда 577 та депутатлик ўрни бор. Уларнинг 555 таси Франциянинг ўзи учун, 16 таси денгизорти департаментлари, 5 таси денгизорти ҳудудлари ва биттаси Майотта (Маоре) ороли учун ажратилган. Қуйи палатага депутатлар тўғридан-тўғри, умумхалқ сайловлари орқали сайланади.

Францияда 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга. Қуйи палата депутати сайлов бўладиган кунга қадар 23 ёшга кирган бўлиши шарт. Миллий мажлис депутатлигига номзод давлат хазинасига 1000 франк тўлаши лозим. Агар у сайловда беш фоиз овоз ололмаса, бу пул қайтарилмайди.

Миллий мажлис депутатлари беш йилга сайланади. Номзод турли йўллар билан кўрсатилади. Ҳатто у ўзини-ўзи кўрсатиши ҳам мумкин. Бундай пайтда номзодни сайловчиларнинг озгина қисми ўз имзолари билан қўллаб-қувватлаши талаб этилади. Энг кўп овоз олган номзод биринчи турдаёқ депутат этиб сайланиши мумкин. Бунинг учун у биринчи турда сайловчиларнинг тўртдан бир қисми овозини тўплаши керак бўлади.

Сенатда 321 та депутатлик ўрни бор. Сенаторлар Миллий мажлис аъзоларидан ташкил топган сайловчилар ҳайъати, департаментлар кенгашлари депутатлари ва муниципиал кенгашлар депутатлари томонидан



сайланади. Сенаторлик муддати — тўққиз йил. Лекин ҳар уч йилда Сенат аъзоларининг учдан бир қисми янгиланиб турилади.

Парламентнинг ҳар бир палатасида олтитадан доимий қўмита бор. Улар асосан кичик қўмиталар орқали ўз ишларини амалга оширадилар. Қўмита ва кичик қўмиталарнинг роли Учинчи ва Тўртинчи республика даврида кенг қамровли бўлган, ҳозир эса уларнинг фаолияти бироз чекланган.

Конституцияга асосан, бир йилда икки марта парламент сессиялари бўлиб ўтади. Уларнинг биринчиси октябрнинг бошидан декабрь ойининг иккинчи ярмигача давом этади. Иккинчи сессия эса апрелда бошланади. У уч ойдан кўп давом этмаслиги лозим. Бундан ташқари, Бош вазирнинг ёки Миллий мажлис депутатларининг кўпчилиги талаби билан исталган вақтда парламентнинг навбатдан ташқари сессиясини чақириш мумкин.

Қонун лойиҳалари аввал икки палатада ҳам ўрганилади ва кейин қабул қилинади. У Президент имзо чеккандан сўнг кучга киради. Икки палата ҳам қонун лойиҳасини қабул қилмаса, у қайта ишлаш учун жўнатилади. Шундан кейин ҳам қонун лойиҳаси ўтмаса, Бош вазир қўмиталар мажлисини чақиришни талаб қилиши мумкин. Қўмиталар мажлисида ҳар икки палатадан тенг сонли депутатлар иштирок этади. Тузатиш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг ҳам қонун лойиҳаси икки палата томонидан маъқулланмаса, ҳукумат депутатлардан лойиҳани учинчи марта ўқишни илтимос қилиш ҳуқуқига эга. Агар шундан кейин ҳам бирор қарорга келинмаса, Вазирлар Маҳкамаси лойиҳа тақдирини сўнгги марта ҳал этишни сўраб Миллий мажлисга мурожаат этиши мумкин.

Францияда ижроия ҳукумат бошлиғи Президент ҳисобланади. У Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда парламентни четлаб, давлат тизимини ўзгартириб юбориши мумкин бўлган ҳар қандай қонун ёки шартномани умумхалқ референдумига қўйиш ҳуқуқига эга. Парламентнинг Қуйи палатаси — Милий мажлисни Президент тарқатиб юбориш ва янгидан сайлов белгилаш ҳуқуқига эга. Янгидан сайланган Миллий мажлисни сайловдан сўнг бир йил ичида тарқатиб юбориш мумкин эмас.

Бош вазир ва ҳукумат аъзолари парламент олдида жавобгардир. Бош вазир ёки маълум депутатлар гуруҳи ҳукуматга ишончсизлик билдирса, ҳукумат истеъфога чиқишга мажбур. Францияда кўп мамлакатлар, жумладан, Англиядан фарқли ўлароқ, вазирлар бир вақтнинг ўзида парламент депутати бўла олмайди. Умуман олганда, Франция парламенти дунёдаги энг демократик асосда сайланадиган ва ишлайдиган парламентлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у жаҳонда катта обрў-эътиборга эга.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ.**

# Интернет такомили ва муаммолари

Инсоният тирик экан, доимо изланиш, доимо тараққиёт сари интилади. Ана шундай тараққиёт меваларидан бири — Интернет тармоғидир.

Интернет (International Network — халқаро компьютер тармоғи) – бугун бутун дунёни қамраб олган. Ҳозирга келиб, Интернет дунёнинг 150дан ортиқ мамлакатида 100 миллионлаб абонентларга эга. Ҳар ойда тармоқ кўлами 7 — 10 фоизга ортиб бормоқда.

Бу бепоён коммуникацион тизим АҚШ ва собиқ Совет давлати ўртасидаги совуқ уруш натижасида пайдо бўлди. Кутилмаган атом ҳужумида коммуникацион тизимнинг бузилиши олдини олиш мақсадида АҚШ боғланган компьютерлар тизимини ишлаб чиқди. Совет Иттифоқи парчаланиб, совуқ уруш поёнига етгач, АҚШ бу коммуникацион тизимни мамлакатдаги университетлар учун очиб берди.



Қачонлардир фақат тадқиқот ва ўқув гуруҳларигагина хизмат қилган Интернет ҳозирги кунга келиб, ишлаб чиқариш доиралари орасида ҳам кенг тарқалиб улгурди. Арзон хизмат эвазига (Интернет ва телефондан фойдаланганлик учун ойма-ой тўланадиган ҳақни ҳисобламаганда) фойдаланувчилар дунё мамлакатларининг турли тижорат ва нотижорат ахборот хизматларига йўл топадилар. Интернетнинг эркин кириладиган архивидан инсоният фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб оладиган ахборотларни — эртанги об-ҳаво қандай бўлиши ҳақидаги маълумотдан тортиб илмий янгиликларгача топишингиз мумкин. Бундан бир неча йиллар илгари бирор маълумотга муҳтож бўлган одам бир неча кун кутубхоналарнинг чанг босиб ётган картотекаларини титиб чиқишга мажбур бўларди. Энди эса Интернетнинг қидирув дарчасига керакли сўзни ёзиб, «сичқон»ча орқали изла, деб буйруқ берасиз. Тармоқ дунёнинг турли бурчакларида мавжуд бўлган маълумотларни тўплаб чиқариб беради.

Интернетнинг оммавий ахборот воситаларига ҳам таъсири катта. Чунки тизим орқали бир неча сониялар ичида дунёнинг исталган нуқтасида нима содир бўлаётгани ҳақида билиб олишингиз мумкин.

Аммо Интернет туғдирган кенг имкониятларга қарамасдан, у бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ўтган бир неча йиллар давомида мутахассислар Интернетнинг ижобий ва салбий имкониятлари хусусида баҳслашиб келадилар. Кимдир Интернет базаси кенглиги туфайли ундан истаган маълумотни топиш мумкинлигини айтса, яна кимдир Интернетни жуда ёмон касаллик эканини таъкидлайди.

Мутахассислар ўтказган тадқиқотларда Интернет «касаллиги» ташҳиси қуйидагича:

Маълумот қидириш учун бир неча дақиқага компьютер олдига ўтирасиз, аммо ўзингиз сезмаган ҳолда соатлаб вақтингизни бой берганингизни сезмай қоласиз.

Компьютер монитори олдида узоқ муддат ўтириш жисмоний муаммоларни келтириб чиқаради.

Борган сари Интернетда ишлашга муштоқликни сезиб қоласиз.

Интернет орқали номаълум кишилар билан танишиш сизга ҳаяжон бағишлайди. Инсонлар билан юзма-юз мулоқот қилишдан кўра Интернетни афзал биласиз.

Электрон почта орқали бирор хат келганмикан, деган кучли орзиқиш сизнинг доимий йўлдошингизга айланиб қолади.

Интернетда керакли маълумотни топиш учун белгиланган учрашув, дарс ва ҳатто овқатланишдан ҳам воз кечасиз.

Компьютердан узоқлашиб қолганингизда юрагингиз сиқилиб, ички бир туйғу сизни компьютерингиз сари тортаверади.

Яқинларингизга компьютер олдида ўтказилган вақтни бир неча баробар камайтириб айтасиз ва ҳоказо.

Олимларнинг таъкидлашича, ҳозирда дунёни қамраб олаётган «ўргимчак тўри» кучли вирусдек қулоч ёймоқда. Бунинг оқибатида эса сурункали касалликлар сони кескин ортиб бормоқда.

Интернет асосчиларидан бири — америкалик Фил Катц ана шундай касаллик қурбони бўлди. У шу даражада компьютер кодларига шўнғиб кетган эдики, оқибатда ўзини ўраб турган ва унинг назаридаги клавишлар орқали бошқариб бўлмайдиган мураккаб реал ҳаётдан узилиб қолди.

Интернет тизимида цензура ва чекловларга йўл қўйиш мумкин бўлмаганлиги учун, турли хил сиёсий маълумотлар ҳукуматлар доирасида ҳам муаммолар туғдирмоқда. Устига устак, Интернетдаги кўплаб порнографик, портловчи ва заҳарли моддалар тайёрлашни ўргатадиган сайтлар ғаразли ниятдаги гуруҳлар учун жуда қўл келади.

XXI асрда давлатлар учун катта муаммо бўлиши кутилаётган Интернет кимлар учундир оддий бир кўнгилочар восита сифатида ҳам хизмат қилмоқда.

**Маҳмуд МАҲКАМОВ.**




## Автомобиллар кушандаси

Буюк Британия полицияси бир неча кундан буён "автомобил кушандаси"ни қидирмоқда, лекин уни ушлашга муваффақ бўлмаяпти. Гап шундаки, номаълум бир шахс сўнгги ўн кунда 600 автомобилнинг икки мингта балонини кесиб кетди. Аниқланишича, безори ўз жиноятини велосипедда амалга оширмоқда. Автомобилларга қўйилган видеокамералар ёрдамида ҳам жиноятчининг шахсини аниқлашнинг иложи бўлмади. Полиция эса, нима қилиб бўлса ҳам, уни тезроқ қўлга олишни режалаштирган. Чунки у ўз ҳаракати билан минглаб одамлар ҳаётига хавф солаяпти. Кўплаб ҳайдовчилар автомобили балони кесилганидан бехабар ҳолда рулга ўтириб йўлга чиқмоқда.



## Кучуклар рақсга тушади

Ит инсонга дўст эканлиги аллақачон исботланган. Голландиянинг Харен шаҳридаги итчилик мактабининг хўжайини Аннетт Хелдер эса ўзининг тўрт оёқли "мижоз"лари ажойиб раққос эканлигини ҳам исботламоқчи. У шу мақсадда кучуклар учун кинологик фристайл курсларини очди. Аннетт хонимнинг фикрича, курс давомида итларга рақсга тушиш ўргатилади. Курс нархи ҳам унчалик қиммат эмас. Саккизта дарс кучук эгасига бор-йўғи 45 еврога тушади.



## Маймунлар ҳужуми

Угандада сўнгги пайтларда маймунларнинг одамларга, хусусан, болаларга ҳужум қилиш ҳоллари тез-тез учраяпти. Маълумотларга қараганда, бу ҳужумлар туфайли 15 нафар бола қурбон бўлган. Мамлакатнинг чекка қишлоқларида яшовчи аҳоли маймунларнинг бу ҳужумидан қўрқувда яшамоқда. Мутахассисларнинг фикрича, одамлар маймунларни кўплаб ўлдиргани учун энди улар ўч олаяпти.

# Болалар нега кўзини олиб қочади?

Катталар болалар билан мулоқот қилганда, «Менга қара, мен сен билан гаплашаяпман!» деб бақириб гапириши одатга айланган. Улар кўзларини олиб қочаётган болакайларни тарбиясизлик ва эътиборсизликда айблашади.



Бироқ олимларнинг тадқиқотларига қараганда, бу катталарга нисбатан эътиборсизлик эмас экан. Болалар кўзга тик қарамаса, яхшироқ фикр юритишаркан.

«Бу одатни болалар катталардан ўрганиб олар экан», дейди Шотландия университети психология доктори Гвинет Дохерти-Шеддон. Доктор Дохерти-Шеддон ва унинг ҳамкасблари махсус тадқиқот ўтказдилар. Бундан мақсад болаларга савол берилган пайтда ўзини қандай тутишини аниқлаш эди.

Олимлар бир гуруҳ беш ёшли ва саккиз ёшли болалар бир вазиятда ўзини қандай тутишини ўрганишди. Тажриба шуни кўрсатдики, суҳбат вақтида саккиз ёшли болалар беш ёшли укаларига қараганда, кўзларини кўпроқ олиб қочишди. Бу ҳол, айниқса, уларга қийин савол берилганда кузатилди. Тадқиқотчилар фикрига қараганда, бу одат одам улғайган сари ривожланиб борар экан.

«Қийин савол берилганда одам кўзини четга олиб қочиши — бу ўзига хос ижтимоий кўникмадир. Бу ерда ҳеч қандай туғма рефлекс ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бизнинг тадқиқотларимиз тарбия усулларидаги янгилик бўлиши мумкин. Айниқса, бу болалар турли вазиятларда ўзини қандай тутишларини тушуниш бобида муҳимдир», дейди доктор Дохерти-Шеддон.

**Хуршид РАУПОВ.**

## Истеъмол моллари орқали...

Associated Press ахборот агентлигининг маълум қилишича, АҚШ Президенти Жорж Буш бактериологик қурол истеъмол моллари орқали мамлакатга кириб келиши мумкинлигини таъкидлади. Президент Қишлоқ хўжалиги, Соғлиқни сақлаш ва Миллий хавфсизлик вазирликларига шу йўл орқали уюштирилиши мумкин бўлган террорчилик хавфини бартараф этиш учун зарурий чора-тадбирларни ўтказишга кўрсатма берди. Энди мамлакатга четдан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари тиббий текширувдан ўтказилади.

## Махфий маълумотларни сотган экан

Покистонлик олим Абдул Қодир Хон ядро тадқиқотлари билан боғлиқ махфий маълумотларни четга сотганликда гумон қилинмоқда.



Маҳаллий телевидениелардан бири олимнинг мамлакат Президенти Парвез Мушарраф билан учрашувини тўғридан-тўғри эфирга узатди. Қодир Хон мазкур учрашувда Покистоннинг ядро қуролини четга сотиш билан боғлиқ масалаларда барча масъулиятни ўз зиммасига олишини билдирди. Шундан сўнг у телевидение орқали мамлакат аҳолисига мурожаат этиб, махфий маълумотларни четга сотганлигини тан олди ва бунинг учун халқдан узр сўради.

## Намойишга чиқдингми, жарима тўла

Италия Бош вазири Сильвио Берлускони етакчилик қилаётган «Олға, Италия!» партияси мамлакат парламентига янги қонун лойиҳасини тақдим этди. Унга кўра, ёшлар ва ўспиринлар сиёсий намойишлар ва турли сиёсий акцияларда қатнашиши тақиқланган. Агар қонун парламент томонидан қабул қилинадиган бўлса, сиёсий намойишларда қатнашган ёшлар ва ўспиринларнинг ота-оналари давлатга 500 доллардан 2 минг АҚШ долларигача жарима тўлайди.

Италияда мактаб ўқувчилари мамлакат таълим тизимида чуқур ислоҳотлар ўтказилишини талаб қилиб намойишга чиққанидан сўнг партия мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқди.

## Ҳамкорлик меваси

Куру космодромидан «Союз-СТ» ракетасини учириш лойиҳасини амалга оширишда Европа Иттифоқи Россия билан ҳамкорлик қилмоқда.



Россия авиакосмос агентлиги вакилининг маълум қилишича, ЕИ мазкур лойиҳага 121 миллион евро ажратди. Франция Гвианасидаги Куру космодромида амалга оширилаётган бу лойиҳанинг умумий қиймати 314 миллион еврони ташкил қилади. Бу маблағнинг ярмидан кўпини Франция тўлайди.

## Виза тизимидаги ўзгариш

Айни пайтда Грецияда 2004 йилги Олимпиада ўйинларини ўтказишга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан Греция ҳукумати виза тизимини қайтадан кўриб чиқмоқчи. Мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги Олимпиадада қатнашиш истагини билдирган чет эл фуқароларининг рўйхатини тузади ва Греция томонидан ҳар бир иштирокчининг мамлакатга киришига рухсат берилади.

## Мукофотга ўн миллион доллар

Америкалик ҳарбийлар Ироқда мамлакатнинг собиқ вице-президенти Иззат Ибрагим Ад-Дурийнинг яқин қариндошини қўлга олдилар. У Саддам Ҳусайннинг яқин сафдошини топишда ёрдам бериши мумкин.




Бу ҳақда чоршанба куни подполковник Стивен Рассел маълумот берди. Исмишарифи ҳозирча сир сақланаётган маҳбус Тикрит шаҳрида ўтказилган ҳарбий операциялардан бирида қўлга тушди. Ўтган йил 13 декабрь куни Саддам Ҳусайн ҳибсга олингач, Ад-Дурий АҚШ ҳукумати томонидан қидирилаётган собиқ диктаторлик режимининг энг юқори амалдорига айланди. АҚШ уни топишда ёрдам берган одамга 10 миллион доллар мукофот ваъда қилган.

## Одам савдосига йўл йўқ

Daily Telegraph газетасининг ёзишича, Руминияда болалар савдоси кўплаб кузатилмоқда. Бунинг олди олинмаса, мамлакат Европа Иттифоқига қабул қилинмайди. Европа комиссияси Руминия ҳукуматини бу масалада жиддий огоҳлантирди. Бундан ташқари, комиссия мабодо мазкур талаб ҳукумат томонидан бажарилмаса, мамлакатга кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами ҳам тўхтатиб қўйилишини маълум қилди. Еврокомиссиянинг Руминия Бош вазири Адриан Настасега йўллаган хатида айтилишича, ҳукумат мамлакатда инсон ҳуқуқларининг таъминланишига етарлича эътибор бермаяпти.

## Президент қарори

Чехия президенти Вацлав Клаус мамлакатда Европа парламентига сайловлар ўтказиш кунини белгилади. Мамлакат президенти матбуот котибининг айтишича, сайловлар шу йил 11-12 июнь кунлари бўлиб ўтади. Бу сайловда Европа парламентида Чехияга тегишли 24 ўрин учун мамлакатдаги барча сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлар ҳамда ҳаракатлар кураш олиб боради.

## Японияда қор фестивали

Ҳар йили Япониянинг Саппора шаҳрида қор фестивали бўлиб ўтади. Минглаб одамлар бу ерга муздан ясалган ҳақиқий санъат асарларини томоша қилиш учун йиғиладилар. Навбатдаги фестивалда томошабинлар ҳукмига уч юздан ортиқ санъат намуналари ҳавола этилмоқда. Улар орасида Ҳиндистондаги Тож Маҳал саройининг муздан ясалган нусхасини кўриш мумкин. Фестивалда, шунингдек, томошабинлар япон спорти юлдузлари билан расмга тушиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

## 9 февраль — Алишер Навоий туғилган кун

# Умидим шулки, умидингга етгил

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сўнгра Фаррухга деди:

***Сенга бу ғамки офати жондур***
***Менга тадбири ғоят осондир.***

Ахий ўз ҳарамидаги ўша гўзал жононга талоқ бериб, уни Фаррух никоҳига ўтказди ва уларни иззат-икром билан Фаррухнинг юртига кузатиб қўйди.

Фаррух ўша жононга яқинлашганда уни ғамгин кўрди. Бунинг сабаби — паривашнинг кўнгли Ахийда экани эди.

Ахийнинг муруввватига Фаррух ҳайратда қолди ва паривашга деди:

***Гар анга бу қадар мурувват бор***
***Бизда ҳам шаммаи футувват бор.***
***Сен ҳам энди шукуфта дил бўлғил***
***Менга икки жаҳон сингил бўлгил.***

Шундай қилиб, Фаррух ва у гўзал жонон ака-сингил тутиндилар. Ҳиндга қайтиб келишганда Жасратхон дунёдан ўтган, ворисликка Фаррухни тайинлаб қўйган эди. Фаррух тутинган синглисига худди Халабдаги каби бир қаср бино қилиб берди ва уни ўша қасрга жойлади. Ўзи эса ўз мамлакатини адолат билан бошқара борди.

Халабда Ахийнинг душманлари унинг қилган иши тўғрисида мамлакат шоҳига ёлғон хабар етказдилар. Ахий сенинг душманларинг қаторига қўшилди, деган тухматни шоҳга талқин қилдилар. Шоҳ бунга ишонди ва Ахийнинг бутун молу мулкини тортиб олиб, унинг ўзини эса таъқиб остида тутди. Шоҳ ғазабига учраган Ахий Фаррухдан қолган қора палосни ёпиниб, девонаваш кўринишда Халабдан қочди. У Фаррухнинг юртига етиб келди, бу ерда бир харобазорга ўрнашди.

Фаррух Ахийдан ўрганган одатига кўра меҳмонхона бино қилиб, унда ғариб мусофирларга меҳру мурувват кўрсатар эди. Бир куни у бир харобхонада ўзининг қора палосини ёпинган кишини учратди. Шунда Ахийни таниб қолиб, ўзи билан олиб кетди. Унга катта иззат-икром кўрсатиб, меҳмон қилди. Шундан сўнг Фаррух Ахийга тутинган синглисини никоҳ қилиб берди. Ҳаммалари шодхуррам, тангрига шукроналар қилиб, бахтиёр ҳаёт кечирдилар.

Бу ҳикоя қаҳрамонлари Ахий ва Фаррух мурувватли ва футувватли кишилардир. Бири – Ахий ўзганинг (Фаррухнинг) бахти учун нима лозим бўлса, шуни амалга оширди. У ҳатто ўзини шу туфайли бахтсизликка мубтало этди. Бунга жавобан Фаррух ҳам футувват кўргазди. У ўзганинг бебахтлиги эвазига бахт топмоқдан воз кечди. Фаррух Ахийдан меҳру мурувват сабоғини олган эди. Шу ибратига амал қилиб, йўқсиллар ва бечораларга эзгулик кўрсатиш йўлидан борди. Натижада у Ахийдек маръ (мурувватли) кишини оғир уқубатлардан қутқарди. Эзгулик эзгуликни туғдирди. Охир-оқибат улар ҳаммаси шод ва бахтиёр яшади.

* * *

Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида бир ибратли лавҳа бор. Фарҳоднинг отаси Чин ҳоқони ўз ўғли билан денгиз сафарига чиқади. Йўлда ногаҳон қаттиқ шамол эсиб, тўлқин кўтарилди. Йўлчилар кемадан қайиқларга ўтиб, жон сақлаш ҳаракатида бўлдилар. Ҳоқон тушган қайиқни тўлқин Чин қирғоғига олиб кетди. Фарҳод тушган қайиқ эса чилпарчин бўлди. Бечора Фарҳод бир тахтага ёпишганича тўлқинлар қаърида қолди:

***Ўзин ул тахта узра маҳкам айлаб***
***Видоъ ўз жисму жонидин ҳам айлаб***
***Нечукким тахта жисми нотавони***
***Етиб оғзиға ҳар дам хаста жони***
***Кўриб ул шўр баҳри бегорондин***
***Илик юб ҳар нафас юз қатла жондин.***

Маъноси: (Фарҳод) ўша тахтага маҳкам ёпишиб олганича

Жисму жони билан хайрлашиб борар эди.

Унинг нотавон жисми тахта сингари қотган,

Ҳар дам хаста жони оғзига етгандай бўлур эди.

Бу чексиз денгиздаги тўполонни кўриб

Ҳар нафасда юз қатла жондан умидини узар эди.

Ниҳоят, денгиздаги тўлқин босилди. Фарҳод ёпишиб олган тахтани сув оқими Яман, Тайпор деган ерлар сари олиб кетмоқда. Шунда Яманга йўл олган бир кема кўринди. Кемада савдогарлар кетмоқдалар. Улар денгизда тахтага ёпишиб олган бир йигитни кўриб, уни кемага тортиб олдилар. Йигитнинг тирик эканлигидан хурсанд бўлдилар. Унга шарбат ичирдилар. Оғзига овқат тутдилар.

***Бўлиб бари асиру зори онинг***
***Дилу жон бирла хизматкори онинг.***
***Муважжаҳ ақлу шурб айлаб мурувват***
***Навосиз жисмиға киргунча қувват.***

Маъноси: Ҳаммалари унга асир ва хизматкор сингари

Дилу жон билан парвариш қилдилар.

Мурувват билан унга керакли еб-ичадиган нарсаларни бердилар

Ҳаётсиз танасига қувват бағишладилар.

Шундай қилиб, бу кема аҳлининг меҳру мурувввати туфайли Фарҳоднинг ҳаёти сақланиб қолди. Унинг жисми яна куч-қувват топди.

Кема аҳлининг бундай мурувватига Фарҳод ҳам футувват кўрсатиб, яхшилик билан жавоб қайтарган. Йўлда денгиз қароқчилари бу савдогарлар кемасига хуруж қилди. Шунда Фарҳод кичик ўқ ёйлардан катта бир ўқ ёй ясади ва қароқчилар кемасидаги қоруро (нефть тўлғазилган шиша идиш)ларга ўқ уза бошлади. Улардан ўт чиқиб, қароқчиларнинг кемалари ёна бошлагач, қароқчилар чекиндилар.

***Алардин баъзи куйди, баъзи ўлди***
***Неким қолган қочиб овора бўлди.***

Шундай қилиб, кемадаги савдогарларнинг кўрсатган мурувватлари эвазиға Фарҳод уларнинг ҳаётини, кемадаги молу мулкини сақлаб қолди.

Бу лавҳа орқали Навоий таълим берадики, кишилар ўртасидаги муносабатлар ана шундай эзгулик асосида қурилмоғи керак. Улар бир-бирига меҳр-мурувватли бўлмоғи, қўлдан келган ёрдамини аямаслиги лозим. Одамлар бир-бирларига шафиқ ва меҳрибон бўлсинлар, улар ўртасидаги меҳр ва оқибат кучая борсин.

***Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ***
***Етар яхшиликдин анга яхшилиқ.***

* * *

Алишер Навоий «Хамса» китобининг якунловчи бешинчи достонини «Садди Искандарий» деб атаган. Бу Искандар девори демакдир. Шоҳ Искандар ўз юришларини давом эттириб, ғарби-шимол томондан ўтаётганда бир халқ унга илтимос қилди. Улар Кирвон деган жойдан. Кирвоннинг ғарбида бир тоғ бор. Бу тоғ ортида яъжуж деган йиртқич махлуқлар яшайди. Яъжужлар ҳар йили гўзал Кирвон водийсига ҳужум қилиб келадилар. Бу вақт ҳамма ҳар томонга қочади. Яъжужлар ўлкани талаб, хонавайрон қилиб, қайтиб кетадилар. Водий халқи Искандардан бу ёвуз кучлар хуружидан ҳимоя сўради.

Шунда Искандарнинг буйруғи билан Карвон водийсига кираверишдаги икки тоғ орасида тош, метин, тоғ жинсларидан катта бир девор бино қилинди.

***Ки неча минг устоду санъатгари***
***Тамом этдилар Садди Искандарий.***

Водийга бостириб кирувчи йўл беркилди. Яъжужлар яна ҳужум қилиб келганда уларнинг тиш-тирноқлари деворга ўтмади. Искандар қўшини девор устида туриб уларни тошбўрон қилди. Яъжужларнинг кўпи ҳалок бўлди. Қолганлари орқага қараб қочдилар. Шундай қилиб, Кирвон водийси халқи яъжужлар хуружидан бутунлай қутулди.

Искандарнинг барча қилган ишлари ичида энг яхшиси ана шу деворни бино қилиб, водий халқини ёвуз ва қонхўр босқинчилардан қутқаргани эди. Шунинг учун Навоий бу деворнинг номини ўз асарига сарлавҳа қилиб олган ва достонни «Садди Искандарий» деб атаган. Чунки бу девор ёвузлик йўлини тўсди, элга осойиш ва фаровонлик бахш этди. Искандарнинг мурувввати, элу юртга ғамхўрлиги ана шу хайрли ишда яққол кўзга ташланиб туради.

Демак, мурувват фақат шахслар ўртасида эмас, балки давлат миқёсида ҳам амалга оширилмоғи мумкин.

Навоий ижоди чин инсонийлик фазилатларини ўргатувчи, кишилар онгига эзгулик, халқпарварлик , инсонпарварлик ғояларини чуқур сингдирувчи ибрат мактабидир.

Ўз халқини чин дилдан севган, бутун куч-қувввати, билими, ижодиётини халқининг бахту саодати учун бағишлаган буюк ижодкор кишиларнинг барча эзгу ниятлари амалга ошмоғини тилар ва шу мақсад ижросига ўзини бағишлаган эди.

***Умидимдин мени хурсанд этгил***
***Умидим шулки, умидингга етгил!***

деб дуо қилар эди Навоий авлодларни.

Навоийни ўқийлик, ўрганайлик. Ундан чин инсонийлик таълимини олайлик.

**Азиз ҚАЮМОВ,**
**академик.**





Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ноёб ва нодир нашрлар бўлими фондида 15 мингта китоб ва қўлёзма бор. Улар ичида Алишер Навоийнинг асарлари ҳам алоҳида қимматлидир.

Ушбу суратларда мазкур бўлим бошлиғи Раҳимжон Файзуллаев ва қадим қўлёзмалардан бирини кўриб турибсиз.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**



*Навоий шаҳрининг бугунги кўриниши.*

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

# Тазарру роҳати

Ҳазрат мир Алишер Навоий куллиётининг 17-жилдини худди хонтахтага нон тергандек, рўпарамга ёйиб қўйибман. У ҳозиргина тандирдан узилиб, кўз қамаштириб турган нондек азиз, балки ундан азизроқ. Негаки, ул моддий неъмат, тан озиғи, бул руҳоний неъмат, жон озиғи.

Куллиётни бир-бир варақлайман. Юрак ҳапқиради, кўнгил сайрайди, ҳайратдан тафаккур тошдай қотади, бутун вужудингиз доҳиёна фикратдан шамдай эриб, мумдай балқийди. Фавқулодда ва ақл бовар қилмас мажозлару ташбеҳлар қуюнидан ўзингизни арши аълода юргандек ҳис қиласиз. Кўзларингизни ёш босади. Ахир, мана бу сатрларни жон ҳовучламасдан, хотиржам ўқиб бўладими?

*Фиғонимдин фалак*
*ғамгин,*
*Сиришкимдан*
*жаҳон рангин,*
*На дардим*
*ўтига таскин,*
*На ҳажрим*
*дардига дармон.*

*Бошим ғам*
*тошидин ёра,*
*Таним ҳажр*
*ўқидин пора,*
*Кўнгил бу*
*ёраға чора*
*Топарға топмайин*
*имкон!*

*Кўзим намлик!*
*Бўйим хамлик!*
*Ичим андуҳу мотамлик!*
*Не ҳамдамлик,*
*не марҳамлик —*
*Топиб бу меҳнати*
*пинҳон!*

Магарким, Алишер Навоийдек валламат бир зотки, тақдирдан шу қадар шиква-шикоят қилган экан, унда тўққиз фалак фарёд солиб, осмонларни ларзага келтириб, вола қилса, не тонг дегингиз келади. Бу сатрларни, шоирнинг ўз лафзи билан айтмоқчи, «яратганнинг гуноҳкор, фақир бандаси» эмас, ҳусни мутлақдан илҳом олган илоҳий қалам соҳиби битганлигига такрор иймон келтирасиз. Навоийни алқаган пири комил Абдураҳмон Жомийнинг дил сўзлари ёдингизга тушади: «Бу қаламга фалакдан офаринлар ёғилсин!».

Куллиётни оҳиста варақлайман. Барчаси хазойин ул-маоний – маънолар хазинаси, барчаси маҳбуб ул-қулуб – қалбларнинг дўсти, барининг қат-қатидан насойим ул-муҳаббат – муҳаббат шаббодалари эсади. Инсонга муҳаббат, ҳаётга, гуллар, чечакларга, бу гўзал хилқатни яратган халлоқи оламга бўлган чексиз ишқнинг ифор ҳиди уфуриб турибди.



Ҳамонки, ғапимиз ишқи илоҳийга бориб уланган экан, Навоий ҳазратларининг бу мавзуда ҳам ўзига хос ўктамлик ва эҳтирос ила қалам сурганига гувоҳ бўламиз. Ҳазрат, аввало, буюк мутафаккир, қолаверса, нақшбандия тариқатининг тарафдори ва етук мутасаввуф сифатида «Насойим ул-муҳаббат» номли шоҳ асарини яратди. Унда Шарқда ўтган 770 нафар валисўфийнинг мухтасар таржимаи ҳолини баён қилди. Шоир «Арбаин» отлиқ асар битиб, жаноб пайғамбаримизнинг қирқта ҳадиси шарифини туркона назм ила безади. «Назм ул-жавоҳир»да эса, Ҳазрат Алининг икки юз ҳикматига рубоий боғлади.

Таассуфки, қизил тил бор экан, маломат ўлмас, деганларидек, авлиё шоир барибир таъна тошларидан қутулмади. Бир куни шоҳ мажлисларида қатнашиб юрадиган бир кимса (чамаси, кибор зотлардан) Навоий хусусида сўз очиб, ғийбат қилди: «Орий рост, мир Алишер Малик уш-шуаро, анинг назми кўнгилларни алғов-далғов қилади. Бул жаноб бисёр хайрли ишлар қилди, работи олий бино этди: масжид, мадраса туздирди. Вале, бул амаллар тонгла машҳарда ҳисобга ўтармикин?» Навоий бу маломатга жавобан, «ислом уйини маъмур» этадиган махсус рисола ёзишга қасд қилди. Шу тариқа «Сирож ул-муслимин» («Мусулмонлар чироғи») асари вужудга келди. Гўзал шеърият услуби ила ислом арконлари баён этилган бу комил асар сўнггида муаллиф орзуманд бўлиб дейди:

*Умидим улки,*
*ҳар ким ўқиғай,*
*Мунинг нури*
*билан кўнгли ёруғай.*

Ва ниҳоят, умр карвони манзилга етар чоғида шоир қодир оллога тавба-тазарру қилиб, машҳур ва манзур «Муножот» асарини битади. Анъанавий ҳамд ва неъматдан кейин Алишер Навоий парвардигори оламга роппа-роса 66 карра «илоҳи» дея мурожаат қилади. Асарни қайта-қайта ўқидим. Баъзи сатрлари хотирамга ўрнашиб қолди: «иллоҳи, ғафлат уйқусидамен, бедор қил ва жаҳолат мастлиғидамен, ҳушёр қил...» Бундоқ тазарру, улуғ бобомиз ибораси билан айтганда, кўнгил мулкида қўзғолон пайдо қилди.

Аёнки, умр ўткинчи. Инсон боласи тириклик дея аталмиш омонат манзилни босиб ўтиб, фано даштидан бақо гулшанига кўчар экан, кечмишга бир қайрилиб назар солади. Дунёга қандоқ келдию қандоқ кетмакда? Савоб амаллар қилдими? Залолат ботқоғига ботмадими? Ва ё ёруғ оламни қаро юз ила тарк этмакдами?

«Муножот»ни қайта-қайта хатм қилиб, камина ана шундай хаёлларга бордим.

«Муножот» — Навоийнинг шоҳ асарларидан бири. У ҳажман кичик, лекин ундаги ҳар бир сўз гавҳардек порлаб турибди. Зеро, гавҳарнинг катта-кичиги бўлмайди: ёнғоқдек бўлса ҳам, тирноқдек бўлса ҳам, гавҳар — гавҳар.

*Жон чиқар вақтида*
*иймон гавҳарин*
*кўксимга сол,*
*Айлагил жондин жудолек этма, иймондин жудо*

— дейди буюк шоир бир ғазалида. Назаримда, бу сатрларни «Муножот»га хатбоши қилиб қўйиш мумкин. Негаки, бу шоҳбитикларнинг ҳар калимасидан илоҳий бир нафас, раббоний бир нур уфуриб турибди.

«Муножот» — ҳақ даргоҳига сафар тадоригини кўриб қўйган кекса донишманднинг кўнгил рози, илтижоси.

Зикр — жон роҳати, дейдилар. «Муножот» бир умрга Яратганга зокир бўлган, шокирликни икки дунё саодати деб билган валлиуллоҳ зотнинг дил афғони, тазарруси, истиғфори.

«Муножот» — ўзгаларга меҳр кўргузиб, меҳр топмаган, ўз ибораси билан айтганда, замондан иссиқ-совуқни ҳам, аччиқ-чучукни ҳам обдон тотган бир мурувват пешвосининг воласи, ўкинчи, надомати!

«Муножот» — авлодларга аталган ўтли бир васият, ғофиллар учун сўнмас ибрат, оқиллар учун дуру ҳикмат ва жоҳилларга отилган санги маломат!

То насли башар мавжуд экан, токи дилимизда калимаи тавҳид барқарор экан, буюк бобомизнинг «Муножот»и кўксимизни иймон нури ила чароғон этиб тураверади.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

# «Эрур Сўз мулкининг кишварстони»

Амир Низомиддин Алишер Навоий — доно сиёсий арбоб, улуғ мутафаккир олим, хассос рассом, зариф мусиқачи, тенги йўқ сўз санъаткори. Маданиятнинг у дахлдор бўлмаган бирон-бир соҳасини топиш амри маҳол. Алишер Навоий инсоний фазилатларнинг ҳаммасини ўзида мужассам этган чин инсон. У умр бўйи машъала янглиғ ёниб яшади, ҳар бир қадамидан ўчмас из қолдирди. Шоир умрининг сарҳисоби бамисоли чексиз уммонга ўхшайди.

Алишер Навоий адабий фаолияти ўзбек адабиёти учун, айниқса, чексиз аҳамиятга эга. Унинг бой адабий меросида икки қутб — икки ҳодиса алоҳида кўзга ташланиб туради. Биринчидан, эски ўзбек тили ҳукмрон бўлиб келган форс тили сингари инсон тафаккурининг мукаммал ифода воситаси эканлигини кўрсатиб берди. Иккинчидан, бадиий сўз камолотининг гултожи бўлмиш адабиёт XV асрда сўнмаганлигини исботлади, унга ҳаётий куч бағишлади. Шоирнинг ҳар бир ғазали туркий тилли халқлар бебаҳо хазинасининг нодир гавҳаридир. Шу туфайли ўзбек тилида яратилган бадиий асарнинг қимматти борми-йўқми, деган мунозаралар Навоий давридаёқ барҳам топди. Натижада ўзбек халқи ўз маънавиятини ўз она тили асосига қуриш учун кенг имкониятга эга бўлди.

Гарчи тарихий шарт-шароит шоир салоҳиятини тўла-тўкис намоён этишга дарҳол имкон бермаган она тили учун узоқ йиллар кураш олиб боришига тўғри келган бўлса-да, бу курашда барибир Навоийнинг ижоди доимо ўзбек халқи илғор қисми қўлида байроқ бўлиб келди. Халқ доим уни маънавий устози, дўсти ва ҳимоячиси деб билиб, ҳикматли сўзларини тилдан қўймади. У яратган қаҳрамонлар — довюрак Фарҳод, бахтсиз Мажнун, соф муҳаббат, садоқат тимсоли бўлмиш Ширин ва Лайли ҳақида янгидан-янги қўшиқлар ижод этди.

Биз Алишер Навоий ижодида икки жиҳатни бир-биридан ажрата билишимиз керак. Уларнинг бири — Навоий ўзидан олдинги адабий жараёндан мерос қилиб олган анъана бўлиб, бу унинг ўз асрининг комил фарзанди даражасига кўтарила олишидир. Иккинчиси эса унинг чинакам даҳо сифатида ўзбек адабиёти тарихига қўшган янгиликларидир. Ва ниҳоят, шуни айтиш кераккки, Навоий янги сўз айтмаган тафаккур соҳасининг ўзи йўқ.

Ўрта аср ижтимоий муҳити Шарқнинг фалсафий тафаккурини жар ёқасига келтириб қўйди. Навоий эса ҳур фикрнинг жонланишига ҳаётбахш таъсир кўрсатди. Жумладан, халқни барча соҳаларда билимдон бўлишга даъват этди. Инсон ҳуқуқларини топташнинг ўзи катта гуноҳ эканлигидан огоҳ қилди.

Навоий ижоди биз учун муқаддас мактаб. Буюк шоир ўз асарлари билан мангу барҳаёт. Биз уни ўрганмоқдамиз ва кашф қилмоқдамиз. Бинобарин, буюк фарзандининг хотирасини муқаддас сақлаш, унинг адабий меросига чуқур эътиқод қўйиш, сидқидилдан ўрганиш халқимизнинг шарафли иши ва бурчидир. Алишер Навоий бизнинг шамсул миллатимиз, яъни миллатимизнинг қуёшидир.

Дарҳақиқат, ҳазрати Алишер Навоий ҳақида мавлоно Ҳусайн Бойқаро айтганидек:

***Эрур Сўз мулкининг***
***кишварстони,***
***Қаю кишварстон***
***хисрав нишони.***
***Дема хисравнишонким,***
***қаҳрамони,***
***Эрур гар чин десанг***
***соҳибқирони.***

**Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# Эзгуликнинг айирмаси бўлмас



Инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти ўтган йилларнинг миқдорий кўрсаткичи, орттирган моддий бойликлари билан эмас, балки эл-юрт равнақи йўлида амалга оширган хайрли, савоб ишлари билан ўлчанади, баҳоланади. Улар, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Элим деб, юртим деб" ёниб яшайдиганлар тоифасидан.

Улуғ бобомиз Алишер Навоий одамларга яхшилик кўрсатишни одамгарчиликнинг олий мезони деб билган:

*Менга не ёру не ошиқ ҳавасдир,*

*Агар мен одам ўлсам ушбу басдир.*

Навоий ижодида кишиларга ғамхўрлик, меҳрибонлик, меҳр-мурувват кўрсатиш туйғуси Оллоҳ васлига етишнинг зарур воситаси эканлиги таъкидланади.

Меҳр-оқибат ўзбек халқи маънавий маданиятининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, асосида эзгулик мужассам. Эзгуликнинг эса миллий, диний, ирқий, касбий, ижтимоий айирмаси ҳам, имтиёзи ҳам бўлмайди. Ҳаммага бир хил, бир мақомда, бир услубда.

Ўзгалар ташвиши ва қувончларини ўз манфаатидан устун қўя оладиганлар ҳожатбарор инсонлардир. Бундай ҳожатбарорлик Навоий асарларида уфуриб туради. Илоё, у бизни ҳамиша ўзига чорлайверсин.

**Ортиқ ВАФОЕВ.**
**Бухоро.**

# Уч йилдан сўнг

**Премьера**

Биламизки, атоқли адабиётшунос олим Иззат Султон билан завқи баланд шоир Уйғун ҳаммуаллифлигида ёзилган "Алишер Навоий" шеърий драмаси асосида яратилган саҳна асари Ўзбек Миллий театрининг фахрига айланиб қолган эди. Ўзбекистон халқ артистлари Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Зикир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов ижросидаги Навоий сиймоси ҳамиша томошабин кўз ўнгида, қалбида. Бундан уч йил аввал маълум сабаблар туфайли учинчи бор тикланган асар намойишида узилиш юз берганди.

Бугун, Навоий ҳазратларининг таваллуди арафасида театр жамоаси яна бир хайрли ишга қўл урди: янги таҳрирдаги "Алишер Навоий" спектакли саҳналаштирилди. Унда асосий ролларни ёш ижодкорлар ижро этмоқдалар. Асарни саҳналаштирувчи режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизовнинг Рихситилла Абдуллаев (ёш Навоий), республикада хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов (кекса Навоий), Гулчеҳра Эшонқулова (Гули) ва Меҳриддин Раҳматов (Ҳусайн Бойқаро) каби актёрлардан умиди катта.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ҳазрат ҳайкали қошида

*Не замонлар... кимлигингиз билмай ўтдик,*
*Осий бўлдик, Сизга қуллик қилмай ўтдик,*
*Билмам, нечун ориятдан ўлмай ўтдик?*
*Пойингизни қучиб ётар бошим менинг,*
*Пойингизни ўпадир кўз ёшим менинг.*

*Бугун Сизни қутламоқда эл-халойиқ,*
*Юртда кезар Сиз истаган дилраболиқ,*
*Қутлуғ бўлсин биздан Сизга мубталолиқ...*
*Пойингизни қучиб ётар бошим менинг,*
*Пойингизни ўпадир кўз ёшим менинг.*

**ГУЛЧЕҲРА.**

Саҳифа учун масъул: Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА.

# Айвон



## Унинг ўзбек меъморчилигида алоҳида ўрни бор

*Айвон Марказий Осиё меъморчилигида иморат тарҳи тарзида асрлар давомида зарурий унсур бўлиб келган. Унинг юзага келишига минтақадаги иқлим шароитининг таъсири катта бўлган, албатта. Бу ерда ёз жуда иссиқ, қиш эса совуқ келади. Айвон қишда хонанинг жуда совуқ бўлишидан, ёзда эса жуда исиб кетишидан сақлаган. Шунинг учун меъморлар хонанинг ҳовли иқлим шароити билан яқинлигини сақлаш ва уйғунлашув жиҳатидан ранг-баранг манзараси билан боғланишига алоҳида эътибор беришган. Мазкур тадбирларни амалга оширишда айвон қўл келган. У хона билан ташқи муҳитни боғловчи қисм вазифасини ўтаган. Унинг ҳовлига қаратилган очиқ томони манзарали хонага олиб кираётгандек ёки аксинча, хонани манзарага олиб чиқаётгандек туюлади.*

Айвон баҳор, ёз, куз фаслларида хонадоннинг асосий дам олиш жойи ҳисобланади. Оила аъзолари кўп вақтини шу жойда ўтказишади. Унинг деворларига, шифтларига ишланган ранг-баранг, нафис нақшлар табиат манзараси билан ҳамоҳангки, шунинг учун ҳам киши ўзини табиат қўйнида ўтиргандек сезади.

Ўзбекистон ҳудудида айвон антик даврда ҳам қўлланганлиги ҳақида Сурхондарё воҳасидаги Холчаён саройи тарҳи гувоҳлик беради. Сарой айвони уч томонлама зал ва хоналар билан ўралган тарҳга эга. Мазкур обида тарҳида айвон барча хоналар учун бир хил хизмат қилувчи ва жойлашув жиҳатидан уларни бир марказга йиғувчи унсур сифатида гавдаланади.

Илк ўрта асрга оид деворий суратларда иморатнинг иккинчи қаватида болохонага монанд кичкина айвончалар тасвирланган. Анников губерниясидан топилган 6-7 асрларга оид мис идишда Марказий Осиё меъморчилигига хос обида тасвири ишланган. Унинг юқори қисмининг икки томонида девор сатҳидан қисман бўртиб чиққан айвончалар — болохоналар мавжуд. Панжикент деворий суратларида ҳам болохоналар тасвирланган. Уларни XV-XVI асрларга оид миниатюра тасвирларида ҳам кўрамиз.

Айвон диний ва ижтимоий обидаларда ҳам қадимдан қўлланилган. Айрим обидаларнинг ўзи бутунлай чуқур айвон тузилишида қурилган. Бунга IX-XI асрларга оид Термиздаги Чор-Устун ва Бухородаги Мох масжидлари мисол бўла олади. Чор-Устуннинг икки томони очиқ қолдирилган. Шундай композицияни Термиздаги XI-XII асрларга доир шаҳардан ташқаридаги шоҳлар саройида ҳам кузатамиз. Галерея шаклидаги торроқ айвон — йўлакни эса XI асрда қурилган Доя-хотин карвон саройида учратамиз. XIV-XV асрларда қурилган салобатли Жомий масжидларида эса ҳовли атрофи бостирма шаклида бир неча устунларга қатор ўрнатилган чуқур айвон билан ўраб олинган. Самарқанддаги Бибихоним Жомий масжиди, Бухородаги Калон масжиди шундай тузилишга эга.

Айвон ўрта асрларда ва ундан кейинги даврда уйларда ҳам кенг қўлланилган. Турар жой меъморчилигида айвон икки, тўрт хона оралиғида, уйнинг олд қисмини бутунлай эгаллаган тарҳда (пешайвон) қурилган. У иморатнинг олд ёки ён томонларида галерея (йўлак) сифатида, девор сатҳидан бўртиб чиққан болохонага монанд ҳам, иккинчи қаватининг очиқ қисмини эгаллаган шийпон сифатида ва алоҳида тўрт, уч томони очиқ бошпана (шийпон) сифатида ҳам бунёд қилинган.

Айвоннинг турар жой меъморчилигида қўлланилиши ўша жойнинг иқлим шароити ва хоналарнинг жойлашув тартибидан келиб чиққан. Масалан, Хивада иқлим шароитининг ўзгачалиги, ёзда ҳавонинг нисбатан иссиқлиги сабабли, айвон хона ва ҳовли ҳавосини янгилаб туришга мўлжалланган. Бу ерда айвон икки хил тузилишга эга. Улу айвон хонанинг олд қисмини эгаллаган ва ундан анча баланд кўтарилган. Унинг қаршисида терс айвон — кичикроқ айвон ўрнатилган. Улу айвон битта марказий устунга эгалиги жиҳатидан минорага монанддир. У шамол эсадиган томонга қаратилган бўлиб, шамолни ҳовлига йўналтирган. Аслида иккала айвон ҳам ҳовлини том билан ёпгандек туюлади.

### Мерос

Бухорода баланд, кўп устунли айвон асосан ёзги хоналарга кўндаланг ҳолда қўшилган. Бухоро уйларида ним айвон кенг қўлланилади. У биринчи қават устида оддий айвонга нисбатан торроқ бўлиб, иморатнинг бир томонини узунасига эгаллайди. Ним айвон ёз ойларида, айниқса, оиланинг дам олишига мўлжалланган.

Самарқанд турар жой меъморчилигида айвон хоналарнинг бурчагида, кўпроқ уларга нисбатан кўндаланг жойлаштирилган. Фарғона турар жой меъморчилигида айвон кўпроқ уч-тўрт хонанинг олдини эгаллаган. Шунинг учун ҳам бундай айвон пешайвон, деб юритилган.

Айвоннинг яна бир турига шийпонлар киради. Шийпонлар иккинчи қаватда қурилган. Шийпон Тошкент, Қарши, Шаҳрисабз турар жой меъморчилигида кўп учрайди. Иморатнинг иккинчи қават хоналарини табиат манзараси билан боғлаб, улар оралиғида усти ёпиқ ҳовличани яратишда унинг аҳамияти беқиёсдир.

Кичикроқ ҳовлини айвон тарзида ёпиш ҳоллари ҳам халқ меъморчилигида учрайди. Бунга Марғилонда XIX асрнинг ўрталарида қурилган уйнинг ҳовлиси мисол бўла олади. Айвон шифти марказидаги туйнук ва кўтарилиб-тушириладиган қашқарча панжаралар уни ёруғ қилиш ва табиат билан боғлаш хизматини ўтаган.

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган обидаларни ва турар жой меъморчилигига оид материалларни кўздан кечирар эканмиз, аввало, бу ерда қадимдан бир неча тузилишдаги айвон уйларда, мадраса ва обидаларда кенг қўлланилганига шоҳид бўламиз. Иккинчиси — галерея тузилишидаги айвон. Бундай айвонлар масжид, карвонсарой ва бошқа иморатларда кенг ишлатилган. Учинчиси, яъни шийпон тузилишидаги айвон кўпроқ турар жой меъморчилигида учрайди. Тўртинчиси, болохона тузилишидаги айвонча эса уй ва илк ўрта аср кўшкларида кенг қўлланилганлиги маълум. Шунингдек, алоҳида айвонга монанд иморатларни ўрта аср масжидлари тузилишида кўрсак, алоҳида қурилган тўрт ёки уч томони очиқ шийпонлардан ҳовли ва дала боғларда фойдаланилгани ҳам аён.

Айвон ўз вазифасидан ташқари иморатнинг умумий композициясини бадиийлаштирган, унинг меъморий ечимини бойитган. Масалан, Хивадаги Тош ҳовли саройида улу айвон чуқур ҳамда минора тузилишида бўлиб, унинг марказидаги устун ўймакорлик усулида нақшу нигор билан безатилган. Бу бутун ҳовли композициясига бадиийлик касб этган.

Ҳозирги кунда айвон меъморчиликнинг асосий қисми бўлиб қолмоқда. Жамоат биноларида барча турдаги айвонларни қўллаш иморатни ҳам тарз, ҳам тарҳ жиҳатидан қулай ва кўркам бўлишини таъминламоқда. Жумладан, шийпон тузилишидаги бўлинманинг замонавий иморатлар марказида қўлланиши иморатнинг кўп жиҳатларини очиб, қишки боғ, турли хил дам олиш майдонлари (ошхона, кутубхона, шифохона, фойе) яратиш имконини бераётир. Шунингдек, иморатнинг композиция жиҳатидан салобатли бўлишини ва яхлитлигини акс эттирмоқда.

Замонавий жамоат биноларида галерея тузилишидаги айвоннинг қўлланиши эса иморатнинг композиция жиҳатидан тантанавор бўлишига хизмат қилаяпти. Галерея устунлари қисмининг тоқилар тизими билан тугатилиши иморат тарзини бойитиб, унга бадиийлик бағишлаётир. Янги қурилган республика Олий Мажлиси ва Темурийлар тарихи давлат музейи бинолари фикримизнинг исботи бўла олади.

Умуман, айвонни меъморчиликнинг ажралмас бир бўлаги, десак хато қилмаймиз. У доимо меъморий обидаларимизга, турар жой биноларимизга кўрк бағишлаб келган ва яшаш учун қулай шароит яратиб берган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шунинг учун айвонни кенг кўламда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

**Д. НОЗИЛОВ,**
**Тошкент техника университети профессори.**

# «Меҳрибонлик уйи»нинг эркатойлари

*Бойсуннинг «Катари» гузарида бир маскан бор. Бу ерда шўх, ўйинқароқ ўғил-қизларнинг қий-чуви ҳамиша ҳукмрон. Йигирма тўрт тарбиячи-мураббий улар атрофида парвона. Норасида ўғил-қизларни ўз фарзандларидан кам кўришмайди, етимлигини асло сездирмасликка ҳаракат қилишади. Болаларни оқ тараб, оқ ювишади, бошини силаб эркалашади, ширин сўз айтиб кўнглини овлашади. Ўз ота-онасидан кўрмаган меҳр-муҳаббатни улар Шавкат Бўриев, Шуҳрат Содиқов, Саодат Назаровалардан кўришяпти.*

— Бизни изтироб азобига қўядиган томони шундаки, – дейди мураббия Комила опа Негматова, – болаларни ҳар қанча эъзозламайлик, авайлаб-асрамайлик, барибир ўз ота-онаси ўрнини босолмаймиз. Буни айрим болаларнинг лабида табассум ўйнаб турса ҳам, кўзида ғамгинлик борлигидан, маъюс боқишларидан сезаман. Ўшанда ўз жигаргўшаси, дилбандини етимхонага ташлаб кетган ота-оналарга нисбатан қалбимда нафрат уйғонади...

### 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

Шу чоғ хонага директор ўринбосари Сурайё Ғозиева кирди.

— Меҳмонлар келишди, – деди у бошлиққа юзланиб, – Шўрчи туманидан экан.

Меҳмон — «Шўрчидон»нинг қайта ишлаш корхонаси раҳбари Омон Чўтов шундай деди:

— Президентимиз 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилдилар. Корхонамиз жамоаси бу даъватга биринчилар қаторида қўшилди. «Меҳрибонлик уйи» болаларини йўқлаяпмиз. Уларга баҳоли қудрат совға-салом, ун келтирдик.

Ҳа, Сурхондарёда бундай саховатпеша инсонлар жуда кўп. Ҳатто хориждаги биродарлар ҳам мурувват қўлини чўзиб туришади. Ана шулардан бири — Германиядаги «Бундисвер» компанияси. У болаларга кийим-кечак ҳадя этди, ётоқхона биносини таъмирлаш учун қурилиш материалларини етказиб берди. «Термиз» аэропорти жамоаси ҳам бундай хайрли ишга муносиб ҳисса қўшди. Вилоят касаба уюшмаси раҳбарлари ҳам саховатпешаликда етимлар ҳурматини қозонишган. Бирорта байрам улар тортиқ этган ширинликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаксиз ўтмайди. Вилоятдаги тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерларнинг элликдан ортиғи «Меҳрибонлик уйи»га ташриф буюрди. Моддий ва маънавий ёрдам кўрсатди. Уларнинг манзили узоқ. Деновдан, Қумқўрғон, Термиз, Жарқўрғон, Олтинсой ва бошқа туманлардан. Ўтган йили ўн олти нафар ўғил болага суннат тўйи ўтказилди. Болаларнинг ҳар бири номига Халқ банкида ҳисоб рақами очилиб, ўн минг сўмдан омонатга пул қўйилди. Тўйнинг барча сарф-харажатларини ҳомий ташкилотлар, химматли одамлар ўз зиммасига олди. Энди 60 бола Халқ банкида узоқ муддатли жамғармага эга бўлди.

«Меҳрибонлик уйи» жамоаси «Бойсун» ширкат хўжалиги раҳбарларидан ҳам миннатдор. Негаки, дам олиш маскани таъмирталаб бўлиб қолган эди. Ширкат хўжалиги раиси Беккул Тошбоев бу ишга ҳомийлик қилди. Кам эмас, икки миллион сўм маблағ сарфлаб, масканни таъмирлади.

Бойсундаги «Меҳрибонлик уйи» жамоаси ҳам ана шундай хайрли ишдан доимо баҳраманд бўлмоқда. Уларга кўрсатилаётган моддий ёрдам ўз ўрнида ишлатилаяпти. Шу боис бу даргоҳ обод ва кўркам. Тўрт қаватли ётоқхона тоза-озода. Ҳар бир гуруҳда телевизор, радиоприёмниклар ўрнатилган. Болалар бўш вақтида спорт билан шуғулланишади. Еттита спорт тури бўйича машғулотлар ўтказилади. Бундан ташқари, бу ерда бадиий ҳаваскорлик дастаси ҳам фаолият юритади.

— Бизнинг, – дейди тўққизинчи синф ўқувчиси Зебо Ибрагимова, — ебичишимиз, тоза-озода яшашимизда камчилик йўқ. Тарбиячиларимиз ота-она ўрнини босишга ҳаракат қилишаяпти. Қалби пок, нияти холис, ҳиммати баланд одамлардан кўраётган меҳр-оқибат учун миннатдормиз.

**Омон ШУКУРОВ,**
**Олимжон УСАНОВ.**

*«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 10 февраль, сешанба куни чиқади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Зуҳриддин Ҳуснидиновга падари бузрукворлари
**МУЪИНИДДИН отанинг**
вафотлари муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси университет ректори Зуҳриддин Ҳуснидиновга оталари
**МУЪИНИДДИН отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти жамоаси департаментнинг Хоразм вилояти ҳудудий бўлими катта мутахассиси Акбар Ваисовга отаси
**Раджап ВАИСОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика Саломатлик институти жамоаси институтнинг Тошкент шаҳар филиали директори Дилдора Мирбобоевага отаси
**Эркин ИЛҲОМОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қўмитанинг етакчи мутахассиси Дилбархон Аҳмедовага онаси
**Раъно ҲОТАМОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши меҳнат фахрийси, уста пахтакор
**Узоқбой САРИМСОҚОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти раҳбарияти ва Ўзбек ва рус тиллари кафедраси жамоаси доцент
**Саломат РЎЗИЕВАнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ДЎКОН ва СУПЕРМАРКЕТЛАР учун қуйидаги САВДО УСКУНАЛАРИ тақдим этилади:
- ВИТРИНА МУЗЛАТГИЧЛАРИ;
- САВДО РАСТАЛАРИ;
- ИДОРАЛАР УЧУН БУЮРТМА МЕБЕЛЛАР;

ВА БОШҚА ХИЗМАТ ТУРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ
- ПУЛ ТАРҚАТИШ ШОХОБЧАЛАРИ



Компьютер безаклари
Манзил: Усмон Носир кўчаси, 110
Тел.: 53-23-19, 50-83-05.
Маълумотнома хизмати: 120-09-09.
AZN TECHNO

ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИАА «ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» агентлиги
АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан «Тараққиёт учун озиқ-овқатлар» дастури асосида тақдим этилган СОЯ МОЙИНИ миллий валюта — сўмга сотиш учун очиқ тендер савдолари эълон қилади.
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.
Манзилимиз: Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси.
Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96, 68-27-42.
8576R/1330

TS TECHNOLOGY
Компьютерлар ва компьютер технологиялари
Нарх ва сифатнинг бир-бирига ғоятда мослиги, шунингдек, сервис хизматининг юқори даражадалиги Intel® Pentium® 4 процессори базасидаги HT технологияли TS-Technology® P компьютерларини танлашни тақозо этади.
Ходимларингизнинг кам вақт ичида кўп иш бажаришларини хоҳлайсизми?



Бир вақтнинг ўзида бир неча иловаларни қайта ишлай оладиган компьютерлардан фойдаланинг. Intel® Pentium® 4 процессори базасидаги HT технологияли TS-Technology® P компьютерлари.
Таълим соҳасидаги давлат ўқув муассасаларига имтиёзли нархлар.
Корпоратив буюртмачилар учун техникани савдодан олдин тестдан ўтказиш.
intel inside pentium 4
Тошкент шаҳри, Мусахонов кўчаси, 45-уй, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520-1522-офислар; http//:www.tstech.uz.
Корпоратив сотувлар: «Middle East Komputers», Тошкент ш., тел.: (371) 120-77-62, 120-77-89, факс: 120-77-78; e-mail: sales@tstech.uz.
Дистрибьютерлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57, 157-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54; «Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 274. 31749 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамиел ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Б.Файзиев.
Навбатчи муҳаррир — И.Ўтбосаров.
Навбатчи — Х.Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — М.Сулаймонова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.00 1 2 3 5 6